201_
A
nomidagi
O'zbekiston MK


Давлат ҳуқуқни, имтиёзни сотадими?.. 2


Китоб, кутубхона, кутубхоначи 4


Регистон майдони: биз билган ва билмаган ҳақиқатлар 5


«Сифатли инсон» + «Маҳоратли мутахассис» = «Шахс» 7

ХДП O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O‘zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

№48-49
2019-yil, 18-iyun
Seshanba (32.539)

*Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонини газетамиз сайтида ўқишингиз мумкин.*

## ЭНЕРГЕТИКА ВА КИМЁ СОҲАЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ИЖРОСИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни нефть-газ, кимё ва электр энергетикаси соҳаларидаги инвестиция лойиҳалари ижросини янада жадаллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Ушбу соҳалар саноат ва тадбиркорлик ривожи, аҳоли турмуш даражасига асос бўлиши билан жуда муҳимдир. Шу боис мазкур тармоқларда кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилда 2 миллиард 730 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобига нефть-газ соҳасида 16 та, 850 миллион доллар эвазига кимё тармоғида 17 та, 1 миллиард доллардан зиёд маблағ воситасида электр энергетикаси бўйича 28 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Йиғилишда ушбу лойиҳалар муҳокама қилиниб, уларнинг ижроси бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботи тингланди.

Давлатимиз раҳбари энергия ресурслари ишлаб чиқарувчи, тақсимловчи ва етказиб берувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, углеводородлар қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тўрақўрғон, Навоий, Тахиатош иссиқлик электр станцияларида олиб борилаётган қурилиш ва модернизация ишларини тезроқ якунлаб, бу йил фойдаланишга топшириш, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида замонавий буғ-газ қурилмаларини ўрнатиш бўйича ишларни жадаллаштириш юзасидан топшириқлар берилди. Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини янада кенг жорий этиш кераклиги қайд этилди.

«Навоийазот» акциядорлик жамиятида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол, Жиззах пластмасса заводида тўқимачилик соҳаси учун кимёвий қўшимчалар ишлаб чиқариш лойиҳаларини фойдаланишга топшириш, Янгиер шаҳрида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш лойиҳаси ижросини жадаллаштириш бўйича вазифалар қўйилди.

— Иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширувчи ушбу тармоқлардаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш керак. Бу бошқа турдош ва ёндош соҳалар ривожини ҳам таъминлаб, кўплаб иш жойлари яратади, — деди Президент.

Йиғилишда нефть-газ, кимё ва электр энергетикаси соҳаларида йил якунида кутилаётган натижалар ҳамда келгуси йилга мўлжалланган режалар кўриб чиқилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали сўзлашди.**

Президентлар жорий йил 14-15 июнь кунлари Бишкек ва Душанбе шаҳарларида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммити якунлари юзасидан фикр алмашдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида устувор лойиҳа ва дастурларни, жумладан, жорий йил 30 май куни Урганч шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссиянинг биринчи мажлисида эришилган келишувларни амалга ошириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликка доир долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ БЕШИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

*(Душанбе шаҳри, Тожикистон Республикаси, 2019 йил 15 июнь)*

Муҳтарам Эмомали Шарипович!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмонга Саммитни юксак даражада ташкил этгани учун алоҳида миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Бугунги кунда Кенгаш Осиёда умумий ва бўлинмас хавфсизлик ҳудуди яратиш учун нуфузли халқаро платформа ҳисобланади.

Ҳурматли Саммит иштирокчилари!

Замонавий халқаро муносабатлар тизими тобора ортиб бораётган беқарорлик ва кутилмаган ҳодисалар билан изоҳланади.

Улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга Осиё қитъаси мамлакатлари жиддий хатарларга дуч келмоқда.

Бу, аввало, экология, демография, миграция, ҳаёт ва таълим даражаси пастлиги муаммоларидир. Улар ижтимоий низоларнинг асосий манбаи, экстремизм ва терроризм мафкураси тарқалиши учун шароит яратадиган муҳитдир. Айниқса, ёшлар ўртасидаги радикаллашув жараёни ташвиш уйғотади.

Бироқ энг муҳими, бугунги кунда жаҳон ишонч инқирозига юз тутмоқда. Зеро, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч хавфсизлик ва барқарорликнинг энг муҳим шартидир.

Барчамиз жаҳон куч марказлари ўртасида рақобат кучайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Боз устига, айрим экспертлар, у ҳатто ошкора қуролли тўқнашувга айланиб кетиш эҳтимолини ҳам инкор этмайди.

Энг даҳшатлиси, жамоат онгида ушбу глобал хатарнинг улкан хавфини ҳис қилиш сусайиб бормоқда.

Назаримизда, ишонч инқирозини бартараф этиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида, биринчи навбатда, инсон капиталини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш зарур.

Шу муносабат билан ўзаро ҳурмат ва жамоавий масъулиятга асосланган кенгашимиз фаолияти ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Осиёда ишонч муҳити ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим.

**Биринчидан,** Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш Осиё минтақасидаги барқарорликнинг муҳим омили ҳисобланади.

Биз тинчликка эришишга қаратилган ҳар қандай форматдаги музокараларни қўллаб-қувватлаймиз.

Бу борада Россия, Хитой ва Қўшма Штатлар иштирокида Афғонистон бўйича уч томонлама учрашувлар натижаларини мамнуният билан қайд этамиз.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ушбу мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бутун минтақа учун янги стратегик имкониятлар яратишини алоҳида қайд этмоқчиман.

**Иккинчидан,** ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қулай шароит яратиш, уларнинг радикаллашувига қарши курашиш ва сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг ташаббусимиз билан БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси қабул қилинган, шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция ишлаб чиқилмоқда.

Биз фан, таълим соҳалари ва маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчиси бўлишга тайёрмиз. Халқ дипломатияси доирасидаги алоқаларни, жумладан, туризм бўйича форумларни ташкил этиш орқали фаоллаштиришни муҳим деб ҳисоблаймиз. Шубҳасиз, бу халқларимиз ўртасидаги ишонч ва ўзаро англашувнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Учинчидан,** динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифат ва маданиятларни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйишни таклиф қиламиз.

Хусусан, Тошкентдаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази ва Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бунинг учун самарали платформа бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Тўртинчидан,** ўзаро иқтисодий алоқалар ва минтақавий савдони ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим.

Бунда, аввало, бутун минтақанинг транзит ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини берадиган устувор инфратузилма лойиҳалари ҳақида сўз бормоқда.

**Бешинчидан,** шерикликни бизнес даражасида ривожлантириш барқарор иқтисодий тараққиёт драйвери ҳисобланади.

Ҳамкорлик концепциясига мувофиқ, ушбу соҳада Кичик бизнес бўйича минтақавий форум таъсис этишни таклиф қиламиз.

Ва ниҳоят, бугунги кунда тобора кескин тус олаётган экологик хатарлар ҳам хавфсизлик ва барқарор тараққиётга жиддий таҳдиддир. Орол муаммоси глобал миқёсдаги экологик ва гуманитар ҳалокатдир. У аллақачон Оролбўйи аҳолиси генофонди, ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ аянчли оқибатларга олиб келди.

Орол инқирози оқибатларини бартараф этиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Айни шу мақсадда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шафелигида донорлик маблағларини жалб қилиш ва Оролбўйи минтақасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди ташкил этилди.

Муҳтарам делегациялар раҳбарлари!

Ҳурматли Кенгаш иштирокчилари!

Барчамиз **хавфсизлик — яхлит тушунча ва ишонч эса унинг фундаментал асоси** эканини яхши англаймиз.

Бу борада Осиё минтақасидаги ҳамкорликнинг мавжуд динамикасини сақлаб қолиш муҳим.

Ҳамкорликда изланиш ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилиш тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш сингари эзгу мақсадларимизга эришиш имконини беради.

Эътиборингиз учун раҳмат.

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**



## ҚИДИРУВДА БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ

### *хорижий давлатларда ҳаракатланиши чекланадими?..*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Аввал ушбу масалалар Ўзбекистон ХДП фракция йиғилишида кўриб чиқилган эди.

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг раиси Улуғбек Иноятов** йиғилишда иштирок этди. У юртимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ислоҳотларда партия ва унинг парламентдаги фракцияси бирдек фаол иштирок этиши, ушбу ислоҳотларда партия позициясини намойиш этиш, Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатликда иш юритиш бўйича ўз таклифларини билдирди.

*Давоми 2-бетда.* ▶

## МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ МАРКАЗЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

**Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Муҳаммад Абдул Ҳамид мамлакатимиз маданий-тарихий марказлари билан танишиш мақсадида 16 июнь куни Ўзбекистонга келди.**

«Бухоро» халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдуҳакимов, Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев кутиб олди.

Муҳаммад Абдул Ҳамид Бухородаги Арк қалъаси, Пойи Калон мажмуаси, Лаби Ҳовуз ансамблида бўлиб, қадим кентнинг ривожланиш тарихи билан яқиндан танишди, Баҳоуддин Нақшбанд тарихий мажмуасини зиёрат қилди.

— Мазкур обидалар халқингизнинг бой ўтмишидан далолат. Қадим тамаддун ўчоғи, дунё илм-фани ривожига ҳисса қўшган улуғ алломалар диёри бугун ҳам маданият ва маърифат маскани бўлиб қолмоқда, — деди Муҳаммад Абдул Ҳамид.

Бангладеш Президенти 17 июнь куни пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасида бўлди.

Меҳмонга Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи Муборак мадрасалари, Тилла Шайх, Намозгоҳ масжидлари тарихи, ҳудудда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, хусусан, Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази ҳақида маълумот берилди.

Олий мартабали меҳмон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ислом динини ўрганиш, унинг асл инсонпарварлик ғояларини кенг ёйиш борасида олиб борилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Муҳаммад Абдул Ҳамид Темурийлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатлар билан ҳам танишди. Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Бангладеш Президенти Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги "UZTEX GROUP" масъулияти чекланган жамиятида бўлди.

2009 йилда ишга туширилган мазкур корхонада пахтадан матолар, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Йилига 7 минг тонна ип-калава тайёрланади. Корхона маҳсулотлари жуда харидоргир бўлиб, асосий қисми Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилинади. Келгусида Бангладешга ҳам етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Олий мартабали меҳмон бу ердаги замонавий технологиялар асосида пахта толасидан ип-калава ишлаб чиқариш, қадоқлаш ва экспортга йўналтиришгача бўлган жараён билан танишди.

— Иқтисодиётнинг барча жабҳаларида, хусусан, тўқимачилик соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришдан манфаатдормиз, — деди Бангладеш Президенти.

Муҳаммад Абдул Ҳамиднинг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**

**ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ**

## «Мардикор бозори»,

### *муаммонинг ечими қаерда?*

Пойтахтимиздаги «Тараққиёт стратегияси» марказида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган семинарда бир марталик, вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш ҳақида фикр алмашилди.


4

Агар давлатнинг баъзи ташкилотлари одамларнинг қўлига қараб, халқнинг чўнтагига кўз тикиб турган бўлса, бу уят эмасми?..




# ДАВЛАТ ҲУҚУҚНИ, ИМТИЁЗНИ СОТАДИМИ?..

## *Фикрлаган, савол берган жамият тез ўсади*

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

**Ҳар қандай давлатнинг асосини халқ ташкил этишини ҳамма билади. Лекин билиш бошқа, ҳис этиш умуман бошқа экан. Кўзларимизни юмиб, бир муддат тасаввур этайлик, Ўзбекистондаги одамлар, яъники халқ бўлмаса, шу ердаги давлатнинг, ташкилотлар, ҳашаматли бинолар, ваколатли муҳрларнинг аҳамияти ҳам йўқ бўлиб кетади. Шаҳару қишлоқлар, далаю боғ-роғлар, улкан заводу корхоналар ҳувиллаб қолади. Ҳар қандай мамлакат ва давлатнинг кучи, файзи энг аввало одамлар билан, албатта.**

Халқ билан мулоқот тадбирлари натижасида мулозимлар реал ҳолат ва ҳақиқатни тобора теранроқ тушуна бошлагани кишига чексиз қувонч бағишлайди. Ўйлаб кўрсак, халқимиз тушуниш сиёсатига неча юз йиллардан бери ташна бўлган. Хонликлар давридан буёғини олиб, Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ўтиш даври қийинчиликларини қўшиб ҳисобласак, халқимизнинг туриш-турмуши осон кечмаган. Бобо-бувиларимиз ҳуқуқлар устуворлиги асосида эмас, муайян шартлар ва шароитни ҳисобга олган ҳолда ишлаб, яшашга кўниб, кўникиб келган. Тақдир юзма-юз қилган синовли замонлар ортда қолди, бугун халқимиз кучга, ирода ва фикрга тўлиб боряпти.

Давлату ҳукумат қаттиқ меҳнат қилаяпти, муаммо оз эмас, уларни бирин-кетин ҳал этиш осон бўлмайди, ҳаммаси тушунарли. Яхши ишларни халқ кўриб, билиб турганига шубҳа йўқ. **Албатта, фақат давлат ишлаб, халқ бир четда қараб тургани йўқ.** Жон кўп, (ишчи) жой кам; даромад оз, харажат мўл даврдаги турфа қийинчиликларни сабр-бардош билан енгиб келаяпти.

Кичикроқ тепаликка чиқиш учун ҳам одамга кайфият керак. Ваъда этилаётган буюк келажакка етмоқ учун халққа ҳам, давлатга ҳам иштиёқ жуда зарур. Кўз тегмасин: охирги йилларда икки томонда ҳам интилиш, ўсиш сезилди.

**Лекин охирги ҳафталарда ОАВ, интернет ва ижтимоий тармоқларда фаол муҳокама этилаётган айрим мунозарали масалалар кенг жамоатчиликнинг кайфиятига таъсир кўрсатаётгани яққол сезиляпти. Муҳокама, эътироз ва мунозаралар марказида битта асосий савол турибди: давлат ташкилотлари айрим ҳуқуқ ва имтиёзларни пулга сота бошладими?..**

Бу – жиддий савол.

Бу – жиддий ўйлашга ундайдиган савол.

Ўтган ҳафта Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ички ишлар вазирлиги мутасаддилари иштирокида журналистлар билан мулоқот бўлиб ўтди. Унда қизиқарли, айни пайтда характерли савол-жавоблар кузатилди. Ноқулай саволларнинг аксарияти фуқароларни доимий рўйхатга қўйиш ва автомашина ойналарини қорайтириш масалалари билан боғлиқ бўлибди. Саволлар қизиқ, жавоблар ундан ҳам қизиқ.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудидан янги қурилган кўчмас мулк сотиб олган фуқаролар доимий рўйхатга қўйилиши белгиланган. Фақат бунинг шартлари бор. Биринчи шарт шундаки, янги қурилган уй сотиб олган, бироқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатда турмаган фуқаро шартнома пулининг 5 фоизини (лекин энг кам иш ҳақи (ЭКИҲ)нинг 10 бараваридан кам бўлмаган миқдорда) тўлаши керак. (Ушбу ҳудудларда доимий рўйхатда турган фуқаро асосан ЭКИҲнинг 1 бараварини тўлайди). Шунингдек, харид қилинган янги уйни уч йил ичида сотишга қарор қилинса, Тошкент (шаҳар ва вилоят) да доимий рўйхатдан ўтган фуқаро ЭКИҲнинг 1 баравари миқдорида, бошқа ҳудудлардан келган фуқаролар эса 400 баравари миқдорида бож тўлаши қайд этилган.

Журналистлар ИИВ вакилларидан Ўзбекистон фуқаролари учун икки хил божлар жорий этилиши сабабларини сўраган. ИИВ вакиллари бу саволни парламентга ёки ҳукуматга беришни тавсия қилган.

Бундай қарорни Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган, бунга бизнинг алоқамиз йўқ. Биз ижро этувчи органмиз. Ҳукумат қандай қарор қабул қилишидан қатъи назар, бажаришга мажбурмиз. Бундай саволлар билан қонун чиқарувчи органга ёки Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилишингиз керак, бизга эмас, дея фикр билдирган ИИВ бошқарма бошлиғи.

Доимий рўйхат, яъни «прописка» масаласи ҳамон энг кўп эътироз билдириладиган мавзу бўлиб қоляпти. Аслида тортишадиган масаланинг ўзи йўқ, бу борадаги тақиқ инсоннинг энг олий ҳуқуқларига хавф солиб турибди. Саволлар очиқ, уларга парламент ва ҳукумат жавоб бериши керак. Инсоннинг устувор ҳуқуқлари нозик масала, давлатга нисбатан халқаро ҳамжамият муносабатининг кайфиятига таъсир кўрсатадиган масала. Яъники, жавоб берилмагунча, бу мавзудаги саволлар очиқ тураверади...

Ўша мулоқотда яна бир мавзу автомашиналарнинг орқа ойналарини қорайтириш, яъни орқа ўриндиқларни қуёш иссиғидан тўсиш масаласи ҳам кўтарилибди. Болалар орқа ўриндиқларда ўтиради, мактаб, боғча, жазирама кунлардаги бошқа турли сафарлар вақтида машина салонига тўғридан-тўғри тушадиган иссиқ нурдан қийналади. Шуни ҳисобга олиб, жамоатчилик автомашиналарнинг орқа ўриндиқларини соялатиш, яъни ойналарни камроқ фоизда қорайтиришга рухсат берилишини сўраган эди. Бунга рухсат берилди, лекин жуда катта ҳақ — 16 миллион сўм эвазига. Бунинг маъноси шундай бўлдики, пули кўпга мумкин, пули камроқларга йўқ. Бу тартиб ҳам кенг жамоатчиликнинг эътирозидаги масала бўлиб турганди. ИИВ вакилининг бир фикри мунозараларни янада қизитиб юборди.

Рухсатнома олмасдан «тонировка» қилганлик учун жарима миқдори кескин оширилишидан мақсад нима экани ҳақидаги саволга ИИВ вакили «биз билмаймиз-ку, ойнасини рухсатнома олмасдан қорайтириб олган ҳайдовчи қаерда нима иш қилиб юрибди. Кўпчилигининг мақсади бошқа бўлиши мумкин», деган мазмунда жавоб берибди. Таажжуб! Ундан келиб чиқди, рухсатнома билан ойнаси қорайтирилган автомашинанинг орқа ўриндиғида ким нима иш қилаётганини ИИВ ходимлари кўриб, «билиб»турар экан-да?.. 16 миллион тўламаган бир фуқаро шунча пулни тўлаган бошқа фуқарога нисбатан шубҳалироқми шунда? «Пул тўласангиз, фарзандингиз, оила аъзоларингиз жазирама пайтда машинада сояда ўтирсин, пул тўламасангиз, ўзингиз биласиз. Яъни, соя пул туради. Аслида мумкин эмас, лекин кўп пул тўласангиз, марҳамат!», деган маънолар чиқмаяптими бундан?..

> **«Пул тўласангиз, фарзандингиз, оила аъзоларингиз жазирама пайтда машинада сояда ўтирсин, пул тўламасангиз, ўзингиз биласиз. Яъни, соя пул туради. Аслида мумкин эмас, лекин кўп пул тўласангиз, марҳамат!», деган маънолар чиқмаяптими бундан?..**

Бу масала бўйича айрим фикр билдирувчилар ҳар хил қоидаларни ўйлаб топишдан, жорий этишдан кўзланаётган асосий мақсад бюджетга муайян ташкилот номидан кўпроқ пул тушириш, шу орқали «яхши кўринишга уриниш», идоравий манфаатдорликни ошириш эканини айтишмоқда.

Мактабларга болаларни қабул қилиш тартиб-қоидаларига киритилган ўзгартиришлар ҳақида турли фикрлар билдириляпти. Айниқса, талабгорлар кўп бўлган мактабларга бошқа ҳудудлардан болаларни қабул қилишда тўлов жорий этилаётгани кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Мактабга қабул жараёнлари муаммоларини пулга боғлаб ҳал қилишга уринилаётгани, бу Конституцияга зид келаётгани эътирозларга сабаб бўлди.

Кундузи автомашиналарнинг яқинни ёритувчи чироқларини ёқиб юриш мажбурийлиги ҳақидаги ҳукумат қарори ўзгартирилди. Бу масалада ҳам эътирозли мулоҳазалар эшитилди. Айниқса, кундузи «фара»ларни ёқиб юрмаганлик учун ҳайдовчиларга ёзиладиган жарима пулларининг муайян қисми тўғридан-тўғри ИИВ махсус жамғармаларига тушиши, бу идоравий манфаатдорликка олиб келиши хусусида хавотир билдирилди. Тўғри, бу қарор бекор қилинди. Лекин яхши ўйланмаган қоидаларни жорий этишдан идора фойдасига пул тушумини ошириш илинжида бўлингани ҳақидаги фикрлар миллионлаб кишиларнинг эсида қолди.

Давлатнинг, вазирликларнинг вазифаси халққа хизмат қилишми ёки одамлардан пул йиғиш пайида бўлишми? Агар давлатнинг баъзи ташкилотлари одамларнинг қўлига қараб, халқнинг чўнтагига кўз тикиб турган бўлса, бу уят эмасми?..

10 июнь куни «Ўзчармсаноат» ассоциацияси меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz)га чарм-пойабзал ва мўйнали маҳсулотлар соҳасини ривожлантириш ҳамда импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳақидаги ҳужжат лойиҳасини жойлаштирди. Унда мамлакатимизга импорт қилинаётган оёқ кийимларга божхона тўловини ошириш таклиф этилган. Бу масала бўйича ҳам кескин танқидий фикрлар билдириляпти. Уларнинг маъноси шундай: ўзбекистонликлар шундоқ ҳам чет элдан келтириладиган оёқ кийимларни қимматга сотиб олишга мажбур бўляпти. Божхона тўловлари, олиб-сотарлар қўяётган катта устамалар нархни кескин ошириб юборяпти. Шунга қарамай, харидорлар олишга мажбур. Чунки ўзимизда сифатли, чидайдиган оёқ кийимлар етарли даражада ишлаб чиқарилмайди. Таклиф этилаётган тартиб нархларнинг осмонга чиқиб кетишига олиб келади.

**Баъзида озроқ катта кетамиз, лекин қўшни давлатларга борсак, уларнинг бозорларида кийим-бош, оёқ-кийим биздагидан арзонроқ, сифатлироқ бўлади. Тан олиш керак, халқимизнинг даромадлари ҳали унча юқори эмас, бироқ шу катта бўлмаган даромаднинг асосий қисми кийим-кечакка, еб-ичишга кетиб қоляпти, билимлар учун, дунёқарашни кенгайтириш учун, соғлиқни мустаҳкамлаш учун пул деярли қолмаяпти. Бу эса айланиб келиб давлат равнақига жиддий таъсир кўрсатади.** Шундай бир вазиятда яна кийим-кечакнинг нархи ошишига йўл очиш кимга керак? Ёки харидорларнинг ҳуқуқини чеклаш орқали импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларга имтиёз яратишдан кимлардир манфаатдорми?

Шундай бўлган тақдирда ҳам бу «усул» иш бериши қийин. Сабаби, ўзимизда чиқаётган маҳсулотларнинг сифати кескин яхшиланмас, ишлаб чиқарувчилар ўз устида қаттиқ ишламас экан, гарчи янада қимматласа ҳам барибир импорт маҳсулотлар харидорлари камайиши қийин.

Бир қарашда бу масалалар кимгадир унчалик муҳим эмасдек туйилиши, яна кимдир мамлакатда булардан муҳим масалалар кўп, деб ўйлаши ҳам мумкин. Тўғри. Лекин жамоатчиликнинг кайфияти, иштиёқи ва ишончига таъсир ўтказиши мумкин бўлган масалаларда катта ёки кичик, деган ўлчовлар роль ўйнамайди. Кўпчиликни қизиқтирган ҳар қандай масала катта ва жиддийдир.

**Юқорида келтирилган барча мисолларни умумлаштирадиган бир характерли жиҳат, минглаб фикрлар, муҳокамалар мазмунидан англашилаётган долзарб саволар бор. Саволлар шундай бўляптики, давлат ташкилотлари ҳуқуқ ва имтиёзларни сотяптими? Давлат бюджетига тушумларни кўпайтириш учун ғайритабиий «услуб»лардан фойдаланиляптими? Идоравий манфаатдорлик ўйланяптими? Бундай ёндашув ҳаётимизга тобора чуқур кириб келаяптими?.. Ҳозирча якуний хулоса чиқариш қийин.**

Фикрлаётган, эртанги куни ҳақида қайғураётган жамиятдагина мунозара бўлади, саволлар туғилади. Саволлар бўлгани яхши. Зеро, уларга бир кун барибир жавоб топилади.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ**

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# ҚИДИРУВДА БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ

## *хорижий давлатларда ҳаракатланиши чекланадими?..*



*Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.*

— Жорий йилнинг охирида бўлиб ўтадиган сайловлар барчамизни ўйлантириши керак, — деди Улуғбек Иноятов. — Масъулиятли давр арафасида турибмиз. Бунда кўп йиллик тажрибага эга фракция аъзоларига суянамиз, албатта. Биз камчиликларимизни тан олиб, уни бартараф этиш чораларини кўриш зарур. Шунингдек, қисқа фурсатда фракция аъзолари ташаббуси билан амалга оширилган ишлар хусусида тақдимот тайёрлаб, партия сайтига жойлаштириш керак.

Партиямизнинг нуфузи ошиши, аҳолида унга ишонч ортиши учун ҳар биримиз фаолиятимизни танқидий-таҳлилий кўриб чиқишимиз шарт. Партиямиз Сайловолди дастурини ҳам лойиҳа шаклига келтириб, аҳолига намойиш этиш йўлларини ўйлашимиз лозим. Бугун одамлар янгиликка, инновацияга ўч. Оддий ахборотни ҳам содда, лекин замонавий услубда етказиш яхши самара беради, деб ўйлайман.

Олий Мажлис депутатлари ҳар ойда жойларга чиқиб, ҳудудлардаги муаммоларни ўрганмоқда. Аҳоли орасида юриб, партиямизнинг мақсад, вазифаларини тарғиб этмоқда. Бундан ҳам самарали фойдаланиш керак, деб ўйлайман. Фракция аъзолари жойларда бўлганида туманлардаги партия кенгашларининг фаолияти, нуфузи ортиши борасида ҳам маълум бир ишларни амалга оширса, тажриба алмашса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ушбу фикрлардан сўнг, фракция аъзолари Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

— Қонун лойиҳасига кўра, суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яширинган айбланувчининг ёки судланувчининг паспортини бекор қилиш тартибини белгилаш кўзда тутилган, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Бунёджон Эшонқулов.** — Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш мақсад қилинган.

Айбланувчининг, судланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яширинишини бу принципни амалда таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2015 йилда 22,9 минг нафар қидирувдаги шахслардан 10,8 минг нафари, яъни 47,2 фоизи ушланган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 47,5, 2017 йилда 36, 2018 йилда эса 38 фоизни ташкил этган.

Бундан ташқари, оғир ва ўта оғир жиноят содир этиб, тергов ва суддан яширинган қидирувдаги шахсларнинг сони ҳамон юқорилигича қолмоқда. Масалан, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, қидирувда бўлган 7 650 нафар шахсдан 74,2 фоизи оғир ва ўта оғир жиноятни содир этган шахслар бўлган. Қидирувда бўлган шахсларнинг қарийб 50 фоизи 5 йилдан ортиқ муддатда қидирилмоқда. Қидирувда бўлган шахсларнинг 93 фоизига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ва 311 нафарига муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат қўлланилган.

Содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ва жабрланувчиларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қидирувдаги шахсларни топиш учун катта куч ва воситалар жалб этилмоқда. Хусусан, 2015-2018 йиллар давомида 1457 нафар қидирувдаги шахсларни республикага экстрадиция қилиш учун давлат бюджетидан қарийб 30 миллиард сўмга яқин пул сарфланган.

Бундан ташқари, қидирувда бўлган шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик бошқа давлат қонунчилигига асосан жиноят, деб топилмаслиги мумкин. Бундай тоифадаги шахслар бошқа давлат фуқаролигини қабул қилганлиги ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилмаганлиги сабабли қидирувдаги шахсларни ушлаб бериш ҳақидаги сўровлар ижро этилмаслигига олиб келмоқда. Айнан шундай асослар билан 320 нафар қидирувдаги шахсларни ушлаб бериш ҳақидаги сўровлар хорижий давлатлар томонидан рад этилган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида хорижий давлатлар қонунчилиги ҳам ўрганилган. Бунда қидирувда бўлган шахсларни хорижий давлатларда ҳаракатланишини чеклаш ва ўз юртига қайтариш мақсадида фуқаролик паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиш муддатини тўхтатиш амалиёти кенг қўлланилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиришлар киритиш керак, деб ҳисобланмоқда. Бу билан экстрадиция қилишнинг имкони бўлмаган қидирувдаги шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи таъминланади. Экстрадиция қилиш учун Давлат бюджетидан кетадиган харажатларни тежаш имконини беради.

Шуларни ҳисобга олиб, қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда партия фракцияси аъзолари «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилди.

Муҳокама жараёнида атом энергиясидан фойдаланишни таъминлаш тизимининг ҳуқуқий асосларини ташкил этиш давр талабига айланаётгани таъкидланди. Ҳуқуқий асосларни ташкил этиш, амалдаги барча меъёр, қоидаларни унификация қилиш ва уларни Ўзбекистон томонидан имзоланган халқаро ҳужжатлар билан мувофиқлаштириш муҳим саналади.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишдан сўнг депутатларнинг таклифлари асосида қайта кўриб чиқилганлиги билдирилди. Бу жараёнда атом энергетикасидан фойдаланиш соҳасида хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари такомиллаштирилгани айтилди. Ядро ускуналари ва мосламаларни сертификатлаш жараёнлари белгиланганлиги алоҳида эътироф этилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинмади. Уларнинг фикрича, ҳужжатда соҳада жамоатчилик назоратининг аниқ механизмларига ойдинлик киритиш лозим. Парламент аъзолари қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси масъул қўмитасига қайта ишлаш учун юбориш ҳақида қарор қабул қилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар бўйича фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◀ *Давоми, бошланиши 1-бетда.*



Асосийси, глобал ва минтақавий давлатлар билан ҳамкорлик фаол ривожланмоқда.

# ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВЛАР

***доирасида 58 та икки томонлама ҳужжат имзоланган. 2021 йилгача 5,25 миллиард долларлик 244 инвестицион лойиҳаларнинг амалиётга жорий қилиниши кўзда тутилган***

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Неъматов Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида олий даражадаги ташрифлар ҳамда жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида мамлакатимиз ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий тадбирлар тўғрисида маълумот берди.**

— Бугунги кунда нафақат бизнинг минтақамиз, балки бутун дунёдаги вазият кескин равишда ўзгариб бораётган бир пайтда жамоатчиликни Ташқи ишлар вазирлиги фаолияти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш нуқтаи назаридан бу каби тадбирлар жуда муҳим ва фойдалидир, — деди Илҳом Неъматов. — Шу муносабат билан бугун мен сизларга ўтган давр мобайнида вазирлик томонидан ўтказилган асосий тадбирлар бўйича маълумот бермоқчиман.

Йил бошидан буён Президентимизнинг хорижий давлатларга 4 ташрифи амалга оширилди, Ўзбекистонга 4 чет эл давлат раҳбарларининг ташрифи бўлиб ўтди. Хусусан, жорий йилнинг 18-20 январь кунлари Давлатимиз раҳбари Ҳиндистонга ташриф буюриб, Бош вазир Нарендра Моди таклифига биноан «Жўшқин Гужарат — 2019» халқаро инвестиция саммитида иштирок этди.









Шуни таъкидлаш жоизки, «Жўшқин Гужарат – 2019» саммитида иштирок этган хорижий давлатларнинг 80 дан зиёд юқори мартабали вакиллари ҳамда тўртта бош вазир орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳиндистон ҳукумати раисининг бош меҳмони сифатида қабул қилинди. Ҳиндистоннинг Осиё қитъасидаги етакчи давлатлардан бири эканлиги ҳисобга олинган ҳолда, ҳинд ҳукуматининг бу эътибори жаҳон ҳамжамияти томонидан Нарендра Модининг Ўзбекистон раҳбарига ҳамда унинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатига юксак ҳурмати сифатида баҳоланди.

Саммит доирасида аниқ ва муҳим иқтисодий натижаларга эришилди. Хусусан, Ўзбекистон Президенти савдо-иқтисодий, инновацион, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга оид бешта муҳим ташаббусни илгари сурди. Бундан ташқари, 108,6 миллион долларлик 7 та инвестицион битим имзоланди ва қиймати 72,8 миллион долларлик 8 та экспорт шартнома тузилди.

Шунингдек, жорий йилнинг **21-22 январь кунлари** Президентимизнинг Германия Федератив Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф доирасида Президентимиз Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер, канцлер Ангела Меркел, Бундестаг раиси Вольфганг Шойбле, Бавария Бош вазири Маркус Зёдер ва ишбилармон доира вакиллари билан учрашди. Икки ва кўп томонлама ҳамкорлик бўйича кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди. Муҳокамалар натижасида умумий қиймати 4 миллиард евродан ортиқ бўлган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

2019 йилнинг **24-26 март** кунлари Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф чоғида савдо-иқтисодий, сармоявий, энергетика, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳалардаги амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, қиймати 10 миллиард доллардан зиёд икки томонлама ҳужжатлар ва инвестицион келишувлар имзоланди.

Бундан ташқари, 14-15 апрель кунлари Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бўлиб ўтди. Ушбу ташриф доирасида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича 9 та ҳужжат имзоланди.

**18-21 апрель** кунлари Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Ўзбекистонда давлат ташрифи билан бўлди. Савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий-техникавий соҳалардаги умумий қиймати 12 миллиард доллардан ортиқ бўлган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди.

**24-27 апрель** кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида бўлиб ўтган «Бир макон, бир йўл» халқаро форумида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Раиси, Беларусь ва Тожикистон Президентлари, Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори ва БМТ Бош котиби билан учрашувлар бўлиб ўтди.

**27-29 май** кунлари Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг жавоб расмий ташрифи бўлиб ўтди. Унинг натижаларига кўра, икки томонлама ҳужжатлар пакети имзоланди, янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди, жумладан, молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш доирасида қиймати 123,8 миллион еврολик шартномалар имзоланди.

Шунингдек, **31 май — 2 июнь** кунлари Европа Кенгаши раиси Дональд Туск Ўзбекистонга ташриф буюрди. Европа Иттифоқи Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст фондига 5 миллион евро ажратишини маълум қилди.

Хусусан, Европа томони қуйидаги соҳалардаги лойиҳаларга молиявий-техникавий ёрдам кўрсатади: бюджетни қўллаб-қувватлашга 40 миллион евро, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига 5 миллион евро, қишлоқ ҳудудларида бандликни оширишга 5 миллион евро, Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази негизида афғон талабаларини тайёрлашга 2 миллион евро ва бошқаларга.

Яна шуни таъкидламоқчи эдимки, энг муҳими юқорида айтиб ўтилган олий даражадаги тадбирлар доирасида 58 та икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Бундан ташқари, ўтган вақт мобайнида Республика раҳбарияти томонидан АҚШ, Япония, Хитой, Россиядан ҳамда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва БМТ каби халқаро ташкилотлардан юқори даражадаги делегациялар қабул қилинди. 15 дан ортиқ давлат ва халқаро тузилмалар раҳбарлари билан юқори даражадаги музокаралар ўтказилди. Асосийси, глобал ва минтақавий давлатлар билан ҳамкорлик фаол ривожланмоқда.

Яна шуни айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш, экспорт ҳажмини ва хорижий сайёҳлар оқимини оширишга вазирлик алоҳида эътибор қаратмоқда. **2018 йилнинг ноябридан жорий йилнинг июнь ойигача** бўлган давр мобайнида Ўзбекистоннинг чет элдаги элчихоналари томонидан қишлоқ хўжалиги, саноат, коммунал хизматлар, қурилиш, тиббиёт, фармацевтика, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда амалга оширилиши режалаштирилган 5,25 миллиард долларлик 244 та инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқилди. Жумладан, қиймати 1,7 миллиард долларлик 163 та лойиҳа 2019 йил мобайнида амалга ошириладди. Ушбу лойиҳаларнинг асосий қисми 2020-2021 йилларда бажарилиши кўзда тутилган.

Ўзбек товарларини ташқи бозорларга экспорт қилиш ва мамлакатга хорижий сайёҳларни жалб қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 5 ойи давомида дипломатик ваколатхоналаримиз жойлашган мамлакатларга ўзбек маҳсулотларининг экспорти 30,6 фоизга ошди ва 3 миллиард 504,6 миллион долларни ташкил этди. Сайёҳлар сони жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 42 фоизга ошиб, 1,3 миллион кишини ташкил этди.

Матбуот анжуманида журналистларни, аниқроғи жамоатчиликни қизиқтирган кўплаб маълумотлар келтирилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА

## *ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш зарур*

**Олий Мажлис Сенатида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент фармонидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.**




Таъкидлаш керакки, коррупция мавжуд бўлган жамиятда ривожланиш, ислоҳотлар самарадорлигига эришиш қийин кечади. Шу боисдан келажагини ўйлаган ҳар қандай жамият бу иллатга қарши аёвсиз курашиши талаб этилади.

Афсуски, бугунги кунда мамлакатимиз фуқароларининг аксарияти кундалик ҳаётида коррупцияга дуч келмоқда. Қайсидир маънода бу иллатдан зарар кўрмоқда. Минг афсуски, фуқароларнинг ўзлари ҳам қонун бузилиш ҳолатларининг иштирокчисига айланишаётгани ҳақиқат. Масалан, кўпчилигимиз яқин инсонимиз хасталанганда шифохонага олиб борамиз. Яхши мутахассис навбатсиз кўрикдан ўтказиши учун кимларнингдир чўнтагини тўлдиришга ҳаракат қиламиз. Бошқа биримиз тезликни оширганимиз етмагандай, давлат автомобиль назорати ходимига жаримани «енгилроқ» ёзиши учун пора таклиф этамиз. Энг ўйлантирадиган томони эса нафсни енголмаётган айрим идора ходимлари узатилган қўлларни қайтармаслигидир. Натижада аҳолида қонунни четлаб ўтиш мумкин экан, деган нотўғри тушунча пайдо бўлмоқда.

Сенат Раисининг сўзларига кўра, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан жорий йилда ўтказилган коррупция бўйича сўров натижалари ҳам кишини анчайин ўйга толдиради. Сўровда қатнашганларнинг 66,5 фоизи мамлакатимизда коррупция тарқалган, деб ҳисоблайди. Иштирокчиларнинг қарийб 17 фоизи эса коррупция ҳамма жой ва соҳаларни қамраб олган, деган ўйда. 29 фоизи эса, мансабдорларнинг ҳар иккинчиси коррупционер, деган фикрда. 26 фоиз сўралганлар мамлакатда коррупцияга қарши ўтказилаётган курашда очиқлик ва ошкоралик етишмаяпти, деган хулосада эканини билдиришган. Шунингдек, порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш ишлари етарли эмас, бу ҳолат коррупциянинг асосий сабабларидан, деб ҳисоблашини таъкидлашган.

Коррупцияга қарши кураш халқаро ташкилоти — «Transparency International» нинг ўтган йил учун эълон қилган Коррупцияни ҳис қилиш индексида Ўзбекистон 100 баллик тизимда 23 балл олган.

Бу ўтган йилга қараганда 1 балл кўп. Аммо умумий рейтингда мамлакатимиз бир поғона пастлаб, 180 та давлат орасидан 158 - ўринни эгаллаган.

Бир мулоҳаза қилиб кўрсак. Маълум бир давлатга инвестиция киритиш истагидаги инвестор у ерда коррупцион ҳолатлар учрашини билиб, мамлакатимизни четлаб ўтмаслигига ким кафолат беради?.. Бу бошқа халқаро муносабатларда ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Натижада давлатнинг халқаро нуфузига ҳам жиддий таъсир ўтказади.

Яна бир ҳолат. Мансабдор шахслар мансабни масъулият, вазифа сифатида эмас, имтиёз сифатида қабул қилишмоқда. Лавозимимдан фойдаланиб қолай, амал курсисида яна қанча вақт ўтираман, қабилида иш тутишмоқда.

Нигматилла Йўлдошевнинг таъкидлашича, мамлакатда давлат хизматчилари учун яратилаётган шарт-шароитларга қарамасдан, биргина ўтган йилда коррупция билан боғлиқ оғир жиноятни содир этган 2 минг нафарга яқин мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Бош прокуратурадан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили 116 нафар банк раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда бош ҳисобчиларига нисбатан 68 та жиноий иш очилган. Халқ таълими тизимидаги қарийб 150 нафар ходимга нисбатан 103 та жиноий иш қўзғатилган бўлиб, уларнинг 24 таси порахўрлик билан боғлиқ эканлиги вазирлик мутасаддиларини ташвишга солиши даркор. Бу биргина ўша соҳалар мутасаддиларини эмас, барчамизни ўйлантириши, кенг мушоҳада қилишга ундаши зарур.

Кунора кимнингдир пора билан қўлга тушганини эшитамиз. Коррупцияга қарши кураш самара бераётганидан қувонамиз. Аммо шу ўринда кишини ташвишга солаётган ҳолат бор. Бу коррупцияга қарши курашнинг олдинги сафларида турувчи, бунга бевосита масъул бўлган идораларнинг ўзида ҳам коррупцияга тўлиқ барҳам берилмаётганидир.

Ўтган йилнинг ўзида 39 нафар ички ишлар тизими ходими, 10 нафардан зиёд прокуратура ходими, 2 нафар давлат божхона тизими ходими, 1 нафардан судья ва адвокатга нисбатан порахўрлик жинояти учун иш қўзғатилганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди, деди Сенат Раиси.

Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган маъқул. Демак, ушбу иллатнинг фақат оқибатлари билан курашиш кутилган натижани бермайди. Шундай экан, коррупцияга олиб келадиган ҳар қандай ҳолат ва омилларни бартараф этиш лозим. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солиш, бу йўлдан асло чекинмаслик зарур.

Мажлис давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат идораларининг тегишли бўлинмалари томонидан бевосита аниқланадиган, яъни фақат уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида фош этилиши мумкин бўлган жиноятларни, шу жумладан, мансаб билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, ҳар бир давлат идораси соҳадаги тегишли хавф-хатарларни инобатга олиб, Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ўзининг дастурини тасдиқлаши зарурлиги қайд этилди.

Комиссия мажлисида барча давлат органлари ва ташкилотлари идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш лозимлиги айтилди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички комиссиялар ишини фаоллаштириш лозимлиги, бунинг учун раҳбар шахсан жавобгар эканлигига алоҳида тўхталиб ўтилди. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламагани ва тегишли баҳо бермагани учун шахсан жавобгар бўлиши хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Идоралараро комиссия ўз ваколатлари доирасида вақти-вақти билан вазирлик ва идораларда, ҳудудларда коррупция билан боғлиқ ҳолатни ўрганиб боришини маълум қилди. Бу тўғрисида ҳеч ким огоҳлантирилмаслиги таъкидланди. Тегишли ишчи гуруҳлар Комиссиянинг кўрсатмаси асосида исталган пайтда ўрганишга киришиши мумкин. Бундай кўрсатмани бериш учун Комиссия «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва бошқа тузилмалар томонидан тақдим этиладиган таҳлилларга ҳам асосланади.

Мажлисда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди. Унга кўра, Идоралараро комиссиянинг чора-тадбирлар режаси, «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар, Идоралараро комиссия ҳузуридаги Эксперт гуруҳи таркиби ва Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилишга қаратилган медиа-режа тасдиқланди.

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Маҳлиё АЛИҚУЛОВА тайёрлади.**

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

**Зебинисо Бўстонова 2016 йилда Бухоро муҳандислик технология институтининг кимё-технология факультетини тамомлаган. Фарзандлар тарбияси билан бўлиб, ишлашга имкон бўлмади. Кейинчалик эса ихтисослигига мос иш тополмай келаётган эди.**

# САЙЁР ҚАБУЛ: МУАММО, ЕЧИМ ВА САМАРА



Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Умаров томонидан Қоровулбозор туманида ўтказилган оммавий сайёр қабулда Зебинисо Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига ишга қабул қилинадиган бўлди.

Сайёр қабулда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ва бошқа ташкилотлар мутасадди раҳбарларига бандлик, уй-жой, хусусий бизнесни йўлга қўйиш, тадбиркорликни ривожлантириш, пенсия таъминоти, коммунал хўжалик, йўлларни таъмирлаш, солиқ, саломатликни тиклаш учун кўмаклашиш каби 60 га яқин муаммолар юзасидан мурожаатлар қилинди.

«Имом Бухорий» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Орзугул Исоқова тумандаги корхоналардан бирида тикувчи-касаначи бўлиб ишлайди. Сайёр қабулда у хусусий тадбиркорлик қилиш ниятида эканини билдирди.

— Мен ўз шахсий бизнесимни йўлга қўймоқчиман, – дейди у. — Уйда иккита тикув машинкам бор. Яқинда технологиялар кўргазма ярмаркасига бориб, «Агробанк» филиали томонидан ажратилган 9 миллион сўмлик уч йиллик муддатга имтиёзли кредит ҳисобига 2 та ана шундай машинка оладиган бўлдим. Лекин тикувчилик цехимни очиш учун лаоқал иккита хона керак. Қабулда мурожаатим кўриб чиқилиб, туман ҳокимлигига муаммони ҳал этиш топшириғи берилди.

Сайёр қабулда қилинган мурожаатларнинг асосий қисми ҳал этилди. Қолганларини ўрганиб чиқиш ва ечим топиш бўйича тегишли соҳа мутасаддиларига топшириқлар берилди. Эътиборлиси, ҳар бир мурожаат ижроси назоратга олинади. Бу сайёр қабуллар самарадорлигига эришиш, такрорий мурожаатларга ҳожат қолдирмасликнинг ўзига хос механизмига айланмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Тадбир доирасида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда фуқароларга 42 корхона ва муассаса томонидан 146 бўш иш ўрни таклиф этилди. Ярмарка якунида 21 фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. Ярмарка доирасида туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси шифокорлари аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

**Эркин ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

МУНОСАБАТ

# КИТОБ, КУТУБХОНА, КУТУБХОНАЧИ

## *кеча, бугун, эртага*

**Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори бутун халқимизни, қолаверса, 12 мингдан ошиқ ахборот-кутубхона муассасаларининг мутахассисларини жуда қувонтирди.**

Жамият тараққиётининг бирор-бир соҳаси, йўналиши йўқки, китобсиз ва билимсиз, кутубхона хизматисиз ривожланса. Лекин афсус билан айтиш керакки, китобхонларнинг кутубхона хизматидан тўла ва самарали фойдаланиши учун барча шарт-шароитлар, қулайликлар етарли эмас. Кутубхоналарнинг моддий-техник базаси ўта ночор аҳволда. Кадрлар масаласи ҳам долзарб муаммо. Кутубхоналарда узоқ йиллар хизмат кўрсатиб келган фидойи ходимларнинг кўпчилиги 70-80 ёшни қоралашган. Бизга устозлик қилган ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги дунёдан ўтиб кетишди.

Ривожланган мамлакатлар кутубхоналарида қўлланилаётган энг сўнгги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳали бизга етиб келмаган. 1958 йил Қўқон педагогика институти таркибида фаолият юритган кутубхоначилик факультети 1960 йилдан Тошкент давлат педагогика институти таркибига ўтказилди. 1974 йилда Тошкент давлат маданият институти очилди ва алоҳида кутубхоначилик факультети ҳам шу институтга ўтказилди. Бу факультет 2012 йилга қадар барча типдаги ва турдаги 17 минг кутубхона учун анъанавий кутубхоначилик ва библиография иши бўйича бакалаврлар, магистрлар тайёрлади.

2006 йилда барча оммавий кутубхоналар ўқув муассасалари кутубхоналари билан бирлаштирилди. Аввалги марказлашган кутубхоналар тизими тугатилди. Натижада кутубхоналар қисқариб, аҳолидан узоқлашиб кетди, арзимаган сабаблар билан китоб фондлари йўқотилди. Минглаб китоблар — халқимизнинг маънавий мероси, илмий ва маданий бойлиги изсиз йўқолди.

2012 йилда замон талабларидан келиб чиқиб, Тошкент давлат маданият институти Санъат институти билан бирлашиб, кутубхоначилик факультети Тошкент ахборот технологиялари университетининг ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик кафедраси сифатида ишини давом эттирди.

Бугунги кунга келиб кутубхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш масаласи кун тартибига чиқди.

Биз, бир гуруҳ мутахассислар хорижий мамлакатларда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш самарадорлигини, тажрибасини ўрганиш мақсадида Германия ва Жанубий Корея мамлакатларида бўлдик. Германияда ҳамманинг қўлида китоб. Ака-ука Гримм кутубхонасини эшитганмиз, талабаларимизга сўзлаб берганмиз, ниҳоят уни ўз кўзим билан кўриш бахтига муяссар бўлдим. 11 қаватли бинода жойлашган университет кутубхонасидан аҳолининг ҳамма табақаси фойдаланади. Китобхонлар эрталаб соат 8 дан кечқурун 22 гача, профессор-ўқитувчилар, талабалар 22 дан тонггача бу ерда шуғулланар экан. 1000 кишига мўлжалланган ўқув залларидан жой олиш учун буюртма онлайн тарзида берилади. Кечасими, кундузими, китобхон бу ерда овқатланиши, дам олиши учун барча шароитлар муҳайё. Турли хил ҳажмдаги кутубхона ресурсларини электрон шаклга ўтказиш учун энг катта қувватга эга техник воситалар мавжуд. Қадимги қўлёзмалар, ноёб адабиётларни рақамлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ягона китобхонлик гувоҳномаси билан Берлин шаҳридаги барча кутубхоналардан фойдаланиш имкони яратилган.


Германия. Ака-ука Гримм кутубхонаси

Кутубхона фондларини сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш масаласи жуда долзарб. Германиядаги оддийгина туман кутубхонасининг биноси бизни ҳайратга солди. Мамлакатимизда кутубхоначилик архитектураси умуман ривожланмаган. Уларда эса қуёшнинг қайси томондан чиқиши ва ботиши, шамолнинг қайси томондан эсиши, китобхоннинг компьютер қаршисида қандай ҳолатда ўтириши, компьютерлар оралиғидаги масофа, китоб токчалари орасидаги масофа, китобларнинг токчаларда жойлашиш тартиби, ҳолати, намлик даражаси, тозалаш йўллари, шамоллатиш қоидалари ҳам ҳисобга олинган. Буни архитекторлар билади ва тушунади. Кутубхонанинг ҳар бир иши, ҳар қандай ҳолати бир-бирига боғлиқ. Корея кутубхоналарида китобхон хоҳлаган ҳолатда, хоҳлаган жойида, масалан, зиналарда ҳам ўтириши мумкин.

Жанубий Кореяда эса шанба-якшанба кунлари ота-оналар учун кутубхона кунлари ҳисобланар экан. Яъни, ҳар бир фарзанди бор ота-она 2 ёшдан бошлаб болалари билан кутубхонада ўтиради. Фарзандини китоб токчаларидан мустақил китоб қидириб танлашга ўргатади, танланган китобни фарзандига ўқиб беради, кутубхона тадбирларида биргаликда қатнашади.

Жанубий Кореянинг барча кутубхоналарида болалар учун алоҳида хоналар ташкил этилган. Ота-оналар 2 ёшдан катта фарзандлари билан ўқув залларида машғул бўлса, эмизикли боласига махсус хонада ҳамширалар қараб туради, овқатлантиради, зарур ишларни бажаради. Болалар психологияси ҳисобга олиниб, турли хил ранглар, қизиқарли ҳайвонлар сиймосида ўқув хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Президент қарори иловасида белгиланган кутубхоналар учун янги бинолар қуриш, мавжудларини таъмирлаш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш вазифаси айнан бизнинг Фундаментал кутубхонага ҳам тааллуқли. 2014 йилда кутубхонамизда реконструкция ишлари бошланган эди. Унинг фасад қисми бутунлай қайта таъмирланди, 70 та компьютер олинди. Биз ҳам китобхонларимизга янги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни, барча шарт-шароитларга, янги жиҳозларга эга бўлишни, ана шундай шароитда залларимиз китобхоналар билан тўлиб-тошиб туришини истаймиз. Аммо кутубхонанинг ички қисмини тўла таъмирдан чиқариш ишлари ҳалигача бошлангани йўқ.

Соҳага оид ихтисослаштирилган илмий кенгашнинг ташкил этилиши жуда кўп муаммоларни бартараф этишга имкон беради. Чунки ҳозиргача бу борада номзодлар ёки фан докторлари бармоқ билан санарли даражада, борлари ҳам нафақага чиқиб кетган.

Мамлакатимизда 21 майнинг кутубхоначилар куни деб белгиланиши соҳа ходимлари кўнглини тоғдай кўтарди. Бу кутубхоначилик касбининг, кутубхоналарнинг имижини оширади. Ёшларда бу касбга паст назар билан қарашнинг, кутубхоначи бўлиш учун ҳам ўқиладими ёки кутубхоначининг фақат китоб бериб, китоб олиб ўтиришдан бошқа иши йўқ, деган муносабатларга барҳам беради. Ана шу кун муносабати билан ахборот-кутубхона муассасаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилганларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш масаласининг кўтарилиши айни муддао бўлди. Устозларимиз, ҳамкасбларимиз орасида 30-40 йил давомида кўзга кўринмас, лекин савобли, зиё тарқатувчилик ишини бажариб келаётганлар қанча.

Соҳада кўп йиллар фаолият кўрсатганларни оз бўлса-да қадрлаш мақсадида кутубхонамизда «Соҳамиз фидойилари» номи остида фидойи касб эгалари ҳақида тўплам нашр қила бошладик. Албатта, бунда кутубхоначи ёки кутубхонашунос ва библиограф олимларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилади, улар ҳақидаги мақолалар берилади ҳамда нашр этилган асарлари рўйхати ҳам илова қилинади.

Кутубхонамиз мутахассислари Мирзо Улуғбек туманига қарашли «Олимлар маҳалласи»да жойлашган 145-сонли боғча болалар боғчасида кутубхона ташкил этди. Унда бизга Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Ёзувчилар уюшмаси, олимлар яқиндан ёрдам беришди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: архитектор тайёрловчи олий ўқув юртларида кутубхоначилик соҳаси учун архитекторлар тайёрлашни йўлга қўйиш зарур. Яна бир муаммо шундаки, китоб маҳсулотларининг нархи масаласи. Уни ҳам бир тизимга, тартибга тушириш зарур. Бир номдаги адабиёт оддий китоб дўконларида бошқача нархда, бошқаларида бошқача нархда. Кўплаб кишиларимиз айрим адабиётларнинг шахсий кутубхонасида бўлишини, кимгадир совға қилишни хоҳлайди. Авваллари китоблар кўп минг нусхада нашр қилинарди. Бу эса 17 минг кутубхонага ҳам, китоб сотиб олувчиларга ҳам етарди. Шунга кўра, китоб нархи ҳам анча арзон бўларди. Назаримда, ҳозир китоб бизнеси авж олди, эндиликда қайси китоб ўқувчилар эътиборини тортса, кўпроқ сотиб ола бошласа, шу китоб танқис, пештахта тагида ёки дўкончи қанчага хоҳласа, шунча нархга сота бошлайди. Китоб савдоси тизимини тартибга солиш, нашрлар нусхасини ошириш, нашриётлардан китобнинг нархини кўрсатган ҳолда сотувга чиқариш, уни назорат қилиш керак бўлади. Яна бир муаммо — айрим нашриётларда чоп этилаётган китоблар газета қоғозида, полиграфик жиҳатдан паст сифат билан, юпқа муқовада ёки ялтироқ қоғозда бир неча марта қўлга олгандаёқ сифатини йўқотадиган ҳолатда китобхонлар қўлига етиб келмоқда.

Францияда китоб мутолааси, ўқиш психологияси, ўқиш педагогикаси, ўқиш тезлиги, ўқиш гигиенаси каби масалалар мактабданоқ ўқув дастурларига киритилган.

Президент қарорига илова қилинган Концепцияда кутубхона ходимларига уй-жой сотиб олиш учун фоизсиз кредит бериш ҳақидаги топшириқ ҳам айни муддао бўлди. Умр бўйи кутубхонада ишлаб, фарзандлари бўй етиб қолса-да, ижарада яшаб юрганлар бор. Вилоятлардан келган, аммо иқтидорли, йирик кутубхоналар учун зарур ноёб мутахассисларни Тошкент шаҳрига ёки пойтахтга яқин Тошкент вилояти туманларига доимий рўйхатга қўйиш масаласи ҳам кўриб чиқилса, уларни уй-жой билан таъминлаш ҳам ўз-ўзидан ҳал этилади.

Ушбу қарор ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш билан банд барча муассасаларнинг келгуси тараққиётига йўл очиб беради, шу билан бирга аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилайди, масъулиятини оширади.

**Зуҳра БЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси фундаментал кутубхонаси директори.**

*Электорат манфаати*

# «Мардикор бозори»,

## *муаммонинг ечими қаерда?*


**Мақсуда ВОРИСОВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:**

— Инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири меҳнат қилиш ҳуқуқидир. У меҳнат қилиш орқали нафақат даромад топади, балки ўзини жамиятга, атрофдагиларга кераклигини ҳис этади. Давлатнинг фуқаро олдидаги бурчи меҳнат қилишга шароит яратиб беришдир. Бир неча йилдирки, Ўзбекистонда демографик ўсиш ҳолати кўзга ташланмоқда. Меҳнат бозорига ҳар йили олдингига қараганда кўпроқ ишчи кучи кириб келяпти. Шу боис ҳам меҳнатга лаёқатли фуқароларни иш билан таъминлаш муаммога айланяпти. Натижада аҳоли кўп йиғиладиган жойларда, халқ тили билан айтганда, «мардикор бозорлари»га кўзимиз тушяпти. Четдан қараганда бу жуда хунук ҳолат. Тўғри, бизнинг болалигимизда ҳам шундай «бозор»лар бўларди. Уларда асосан талабалар ёки эркакларни учратиш мумкин эди. Ҳозирги вақтда аёлларнинг алоҳида ана шундай бозорларини кўриш муаммо ечилмай қолаётганини кўрсатади.

Яна бир жиҳат. Мазкур жараёнда қонун бузилиш ҳолатлари борми ёки йўқ? Айтайлик, уйимизда таъмирлаш ишлари кетяпти. Ишчи керак. Улар билан оғзаки шартнома тузиб, ишга ёллаймиз. Лекин уларнинг меҳнат муҳофазаси бўлмайди. Демак, жамиятда ўзини ўзи иш билан таъминлаётган кишиларнинг меҳнат муҳофазасини кафолатлашимиз керак. Бу борада партиямизнинг ўз позицияси бор ва таклифларимизни тайёрлаяпмиз.


**Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Партиямизнинг Сайловолди дастурида меҳнатга лаёқатли аҳолини муносиб ҳақ тўланадиган иш билан таъминлаш, уларга мақбул шароит яратиш асосий мақсад этиб белгиланган. Шу боис партиямиз Марказий Кенгаши Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолияти устидан парламент ва депутатлик назоратини йўлга қўйган. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ахбороти тингланмоқда. Жорий йилда бу борада бажарилган амалий ишлар таҳлилий ўрганилди. Халқ депутатлари Кенгашларининг тегишли доимий комиссияларида ўттиздан ортиқ масала кўриб чиқилди. Аммо шу билан муаммолар ечим топди, дея олмаймиз. Негаки, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида норасмий тарзда шаклланган «мардикор бозорлари» ҳамон ёлланма ишчилар билан гавжум. Бу ерда бир марталик, кунлик, қисман ойлик ишлар ўз эгаларини топади. Кўп ҳолларда иш берувчилар томонидан арзимас сабабларга кўра хизмат ҳақини қисман ёки умуман бермаслик ҳолатлари учрайди. Ёлланма ишчилар деярли ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқсиз фаолият олиб боради. Масалан, оғзаки келишувлар, меҳнат дафтарчасининг юритилмаслиги каби ҳолатлар унга пенсия ёшига етганда панд бериши тайин. Улар ўзларини суғурта қилдирмайди. Ваҳоланки, уй бузиш, дарахт кесиш, чуқур ковлаш, юк ташиш каби кўплаб оғир ва хавфли ишларни бажаришади. Бу ҳолатларда жароҳат олиш эҳтимоли жуда юқорилиги барчага маълум. Даволаниш борасидаги имтиёз ҳақида эса гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш бўйича изланишимиз керак. Вақтинчалик ишларни бажарувчи фуқароларнинг меҳнат фаолиятини ҳимоялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.


**Боймурод ЮСУПОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:**

— Фуқаролар вақтинчалик бир марталик ишларга ёлланадиган, ўз-ўзидан шаклланаётган жойларда жамоат тартиби ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар ҳам мавжуд эмас. Вақтинчалик, бир марталик иш билан таъминлаш бюроларини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори ва Низоми талабларининг тўлиқ ижроси таъминланмаяпти. Унга кўра, вақтинчалик, бир марталик иш билан таъминлаш бюроси туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш маркази таркибида ташкил этилиши белгиланган. Аммо вазирлик томонидан етарли даражада ишлар олиб борилмаган. Натижада бугунги кунда минтақамизда ишсиз фуқаролар катта йўл ёқаларида ёки чорраҳаларда тўпланяпти. Халқаро амалиётда бозор иқтисодиёти шароитида ноқонуний меҳнат бозорлари фаолиятини тугатиш бўйича «аутсорсинг» тушунчаси киритилган. Бу ташқи меҳнат ресурсларидан вақтинчалик фойдаланишни англатади. Махсус хизматни ширкатлар амалга оширади. Ишчилар ўз навбатида бу корхонада вақтинчалик эмас, балки доимий ишга олинади. Ширкатлар шартнома асосида бошқа субьектларга вақтинчалик ёки доимий хизмат кўрсатади. Ўзбекистон ХДП ишчиларга зарур ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш учун мамлакатимизда фаолият юритаётган норасмий бир марталик иш билан таъминлаш жамоат жойларида замонавий типдаги вақтинчалик иш билан таъминлаш ширкатларини ташкил этиш ва унга юридик мақом бериш, «аутсорсинг» тизимини амалиётга татбиқ этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Шу орқали ишчилар учун меҳнат шароити, қонуний ҳимоя, тиббий таъминот ва келажакда нафақа олиш имкони яратилади. Бу билан норасмий «мардикор бозорлари» кўпайишининг олди олинади, деб ўйлаймиз.

Бу тизим Исроилда кенг қўлланилади. Аутсорсинг ширкатларини Исроилда «коах адам» деб аташади. Бу ширкатлар одамларни доимий ишга ёллайди, малакасини оширади ва керак бўлса янги касбга йўналтиради. «Коах адам» ширкатлари бўйича ҳаттоки алоҳида қонун қабул қилинган. Фермер хўжалигига беш кунга чопиқ учун 50 та ишчи кучи керак. Шу вақт оралиғида фермер доимий равишда 50 кишини ишга ололмайди. Вақтинчалик ишга шартнома орқали қонуний ишчи олиш вақт ва ортиқча оворагарчилик талаб қилади. Шунинг учун фермер ноқонуний равишда вақтинча одам ёллашга мажбур бўлади. Аутсорсинг шароитида бу 50 кишини махсус ширкат фермерга етказиб беради. Беш кундан сўнг улар бошқа ишга йўналтирилади. Аутсорсингнинг афзаллиги ишчилар мустақил иш изламайди ва бўш турмайди. Мамлакатимизда ҳам шу тизим жорий этилса, бу борада тарғибот, тушунтириш ишларини кучайтириш айни муддао бўлади. Иш қидираётган фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича муҳим қадам бўлади, деб ҳисоблаймиз.


**Темур МАҲМУДОВ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бошқарма бошлиғи:**

— Бугунги кунда бандликка кўмаклашиш марказлари таркибида 25 вақтинчалик иш билан таъминлаш бюролари расман фаолият юритмоқда. Тошкент шаҳрининг ўзида бизнинг рўйхатимиздан ташқари ўнлаб «мардикор бозорлари» ишлаб турибди. Албатта, бу бизнинг камчилигимиз.

Расмий маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь-май ойларида вақтинча иш билан таъминлаш бюроларига 11 минг нафарга яқин фуқаро мурожаат этган. Ўтган йилга солиштирганда бу рақамлар бир неча баробарга камайган. Демак, мурожаатчиларнинг ҳақиқий сони кўрсатилмаган. Бу бюроларнинг кўнгилдагидек фаолият олиб бормаётганидан далолат беради.

Ўзим ҳам туманда ишлаганман. Шу вақтга қадар бюро ходимлари аппарат таркибида ишлаб, ҳудудларга вақтинчалик бириктириларди. Жорий йилдан бошлаб бюроларга алоҳида штат ажратиладиган бўлди. Уларга одам тўпланишига қараб 2-3 нафардан ходим берилади.

Шунингдек, меҳнат бозоридаги вазиятни тубдан яхшилаш мақсадида янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқдик. Бу тўғридан-тўғри амал қиладиган қонун бўлади. Шунингдек, 20 га яқин идоравий-меъёрий ҳужжатларни бекор қилиш кўзда тутилган.

Яна бир янгилик. Меҳнат бозорида иш қуролларига эга ҳунарманд ёки дурадгор қолганларига қараганда кўпроқ ҳақ олади. Биз яқин кунларда бюролар ташкил этилган ҳудудларда меҳнат қуролларини ижарага беришни йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Эътиборлиси, ижара ҳақи олинмайди.

**Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◀ *Давоми, бошланиши 1-бетда.*

*Бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этма, деди менга Бектош Раҳимов.*

# РЕГИСТОН МАЙДОНИ: БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ҲАҚИҚАТЛАР

**ТАРИХНИНГ СИР-СИНОАТЛИ НУҚТАЛАРИ**

**Самарқандда Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти очилиб, унинг биринчи директори вазифасида ишлаб юрган кезларимда, вазифам доирасида шаҳар майдонида қад кўтарган ҳар бир археология ва монументал меъморий ёдгорлик ҳақида кўпроқ билишга қизиқардим.**

Фанлар академиясининг ягона илмий муассасаси — Археология институтининг Самарқандда очилиши республика бўйлаб ёйилган ўнлаб тўнғич археологик объектларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш имконини яратди.

Одатда, Ўрта Шарқ мамлакатлари шаҳарларида Регистон шаҳарнинг марказий майдони ҳисобланади, форсчада бу қумлоқ жой, махсус майда тош тўшалган майдон маъносини беради. Тарихда Регистон маъмурий-сиёсий аҳамиятга молик, халқ тўпланадиган жой бўлган. Қиш ва баҳор ёғингарчилиги туфайли лойгарчилик бўлмаслиги ҳисобга олиниб, майдонга майда тош-шағал тўшалган. Аксарият ҳолларда у шаҳар Арки ёки ҳокимлар саройи жойлашган жой бўлган. Замон ўтиши билан унинг атрофида ижтимоий ва маъмурий бинолар қурилиб, шаҳар марказига айланган.



Самарқанд Регистони археологларнинг тахмин қилишича, қадимги Самарқанд (яъни суғдча Smarakansa) — Афросиёб дастлаб Сиёб ариғидан сув ичган, кейинроқ сўнгги антик ёки илк ўрта асрларда қадимги Самарқанд (Афросиёб) га Дарғомдан махсус канал орқали сув келтирилган. Канал суви Афросиёб жанубидан ўтган жарликдан махсус қўрғошин акведуки ёрдамида қадимги Самарқанд шаҳрига (ҳозирги Афросиёб тепалигига) кириб келиб, Ҳазрати Хизр масжиди яқинида уч йўналишга бўлинган ва шаҳар даҳаларини оралаб, уни сув билан таъминлаган. Унинг излари қадимги Лолазор қишлоғи, Университет хиёбони, Регистон майдони ва Бибихоним мадрасаси участкаларида кузатилган бўлиб, канал оқизиб келган қумлар ҳисобига Регистон майдони қумлоқ жой сифатида таркиб топган, деган қарашлар ҳам бор. Кейинчалик бу жойда қад кўтарган мадрасалар майдони Регистон номини олди, деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Лолазор қишлоғини оралаб ўтган канал тубида ўйма сопол парчалари учратилиб, археологлар Г.Шишкин ва Э.Буряковлар каналнинг милоддан аввалги VII асрга тегишли эканини таъкидлашган. Аммо шундай сопол парчалари Регистон майдони ва канал йўналишининг бошқа участкаларида топилмаган. Шу боис, Афросиёб ҳудудида жойлашган қадимги Smaracansara шу канал орқали милоддан аввалги VII асрда сув келтирилган, дейишга ҳозирча етарли асос йўқ.

Регистон майдонида (унинг шимоли-ғарбида) илк бор XIV аср охирида Телпакфурушон (телпак сотувчилар) номи остида марказий тим (гумбазли бозор) биноси қад кўтаради. Аммо Регистон майдонининг меъморий шаклланиши эса XV асрда юз беради. Дастлаб Мирзо Улуғбек ташаббуси билан 1417-1420 йилларда ўз даврининг олий ўқув дорилфунуни — Улуғбек мадрасаси қурилади. Унинг қаршисида Улуғбек хонақоҳи, шимолида Мирзойи карвонсаройи, жанубида Алика Кўкалдош Жума масжиди қурилади. Ғарбида ёғочдан (синчли) Муқатта масжиди ва Абусаид мадрасаси қурилиб, майдон меъморий жиҳатдан тўла шаклланади. Темурийлардан кейин Шайбонийлар даврида мамлакат пойтахти Бухорода қарор топгач, Регистон майдонида жойлашган бинолар қаровсиз ҳолатга тушиб қолди. Шайбонийлар ва Аштархонийлар хизматида йирик ҳарбий мулкдорга айланган, олчин қабиласининг аслзодаларидан Ялангтўш Баҳодир Самарқандда ҳокимлик қилган даврда вайрона ҳолатга тушиб қолган Улуғбек хонақоҳи ўрнига 1619-1635 йилларда Шердор мадрасасини, Мирзойи карвонсаройи ўрнига эса 1646-1659 йилларда Тиллакори мадраса-масжидини қурдиради. Регистон майдонида Шайбоний аслзодаларининг мақбаралари пайдо бўлади. Шундай қилиб, Регистон майдони XV асрда қурилган ва уларнинг баъзи бирлари вайроналари ўрнида XVII асрда қад кўтарган меъморий маҳобатли иншоотлар ва уларга хос ранг-баранг кошинкори безаклари, нақшинкори пештоқлари, улкан гумбаз ва миноралари билан Самарқанд шаҳрининг марказий майдонига айланади.

Майдонда савлат тўкиб турган Шердор мадрасасининг пештоқида оқ оҳуни қувиб бораётган куч-қудрат тимсоли — шер акс этган. Шер томон бошини буриб, олға интилаётган оҳулар оралиғида эса қизғиш зарҳал тусда ҳокимиятнинг комиллик, мустаҳкамлик рамзи тасвирланган. Бу композицион сюжетни тарихийлик нуқтаи назаридан қуйидагича талқин этиш мумкин: аввало зардуштийлик ва исломий маънавий қадриятларни ўзида мужассам этган Самарқанд ҳокимлигининг бу чуқур тарихий ва фалсафий мазмунга эга рамзий тимсоли меъмор уста Абдужаббор томонидан жуда зукколик билан амалга оширилган ва Ялангтўш Баҳодирнинг этник келиб чиқишига ишорадир. Чунки тасвирда акс этган шер қачонлардир олчин қабиласининг Ялангтўш Баҳодир уруғига тегишли тотем бўлган. Танаси йўлбарс, боши афсонавий қудратли шернинг одам қиёфасидаги қуёш билан уйғунликда тасвирланиши эса, Ялангтўш Баҳодир ҳокимияти Яратгувчи иродасининг рамзий белгиси эканлигидан далолат беради. Ушбу тамғада одам қиёфасидаги қуёш билан шернинг уйғунликда тасвирланиши ўзбек халқининг этник асослари билан ҳам ҳамоҳанг, яъни тарихий илдизи чорвадор олчин қабиласининг юксак даражада ривожланган ўтроқ турмуш тарзли сартлар билан ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жиҳатдан қоришиб кетганлигидан нишона. Қувғиндаги оҳу эса куч-қудратга эзгулик ва гўзаллик бағишловчи, уни осойишта ҳаётга етакловчи тимсол образида акс этган. Ялангтўш Баҳодир илоҳий қуёш ва шер, оҳу ва комиллик рамзларини мадраса пештоқига муҳрлатиб, ўз ҳокимиятининг қудрати ва Самарқанднинг улуғворлик ва гўзаллик сиймосини акс эттирган.

Кўп ижодкорларни чуқур ўйлашга чорлаган ушбу тасвир манбашунослар, бадиий ва амалий санъат арбобларининг турли талқин ва таҳлилларига сабаб бўлган. Масалан, Низомий номидаги ТДПУ амалий санъат кафедраси профессори Саидахбор Булатовнинг «Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами» китобида ушбу тамғанинг амалий санъат билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида бир олам илмий ғоялар ва фаразлар ўртага ташланган. Унда муаллиф «зиё орқали инсонлар руҳий покликка, руҳий поклик орқали комилликка эришади», деган фалсафий фикрни ўртага ташлайди. Самарқандлик олим Абу Тоҳирхўжа XIX асрнинг 30-йилларида ёзган «Самария» китобида Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвирларни мусулмон астрологиясида кенг тарқалган осмондаги юлдуз буржлари билан боғлайди.

...Бир куни ҳафсала қилиб Регистон майдонидаги Шердор мадрасаси минораларининг биридаги айланма зина орқали унинг томига чиқдим. Уч мадраса, яъни Улуғбек, Тиллакори ва Шердор мадрасалари майдони кафтдек кўриниб турар эди. Майдон ўртасида эса Чор Россиясининг тошдан терилган икки бошли шер сурати акс этган — давлат герби яққол кўзга ташланарди. Тарихий Туркистон ўлкасининг юраги бўлиб келган Самарқанднинг Регистон майдонида бу гербнинг тош билан муҳрланиши мустамлакачиларнинг Ватанимизни абадий тутқунликка қаратилган сиёсатининг рамзий тимсоли эди. Регистон осмонидан майдондаги тош муҳрни кўргач, юрагим орқага тортиб кетди. Мустамлакачилик сиёсатининг вориси ҳисобланган собиқ шўро ҳокимияти даврида бунга ҳеч ким эътибор бермаган. Бир-ярим билганлар ҳам сукут сақлаган. Тош гербни пастдан пайқаш, кўриш ҳақиқатдан қийин. Мен бу ҳақда ўша пайтдаги вилоят раҳбари Бектош Раҳимовга сўзлаб бердим. У киши узоқ сукут сақлаб: «Сиз Регистон майдонида кўрган нарса ҳақиқатда герб эканлигига ишонасизми?», деб таажжубланди. Сўнг, ҳозирлик кўринг, эрта тонгда Шердор мадрасаси томига ёлғиз мени олиб чиқасиз», деди.

Эртаси куни Бектош Раҳимов билан Шердор мадрасаси томига кўтарилдик. У майдонда ҳақиқатан ҳам тошдан терилган икки бошли бургут тасвирини кўриб ҳайратланди. Кейин бу ҳақда ҳеч кимга «чурқ» этмаслигимни тайинлади...

Ушбу учрашувдан сўнг вилоят раҳбарининг бир тўхтамга келишини роса уч ой кутдим. Бу вақт ичида Регистон майдони билан боғлиқ тегишли материалларни ўрганиш билан шуғулландим. Бир куни (бу 1976 йил ёз палласи эди) Бектош Раҳимов мени чақирди, амалий ишга ўтиш вақти келганини айтди. Улуғбек мадрасасининг теварак-атроф майдони кейинги (XVII аср) қурилишлар даврида камида 2 метр қалинликдаги ахлат ва тупроқ билан тўлиб кетгани оқибатида мадраса деворларини зах-нам босиб, деворий кошинлар тўкилиб кетаётганлиги, мадраса деворларининг нафас олиши тобора оғирлашиб, ёдгорлик кундан-кунга емирилаётганлиги асосий сабаб қилиб кўрсатиладиган бўлди.

Республика маданият вазирлиги қошидаги ёдгорликлар тақдирига жавобгар илмий-эксперт кенгаши аъзолари таъмирлаш ишларига қарши чиқди. Чунки биринчидан, майдон сатҳи ва Улуғбек мадрасаси атрофидан 2 метр қалинликда тупроқ олиб ташлаш учун катта маблағ керак эди. Маданият вазирлиги Марказ розилигисиз бундай ишга қўл уришга ҳаққи йўқ. Иккинчидан, Регистон майдонида сунъий ҳовуз пайдо бўлади, кузги ва қишки ёғин-сочинлардан ҳосил бўлган сувни майдондан чиқариб ташлаш кўп жиҳатдан қимматга тушади, яъни ҳар уччала мадраса ҳам нам тортиб, таъмирлаш ишлари оғирлашади. Учинчидан, Республика ҳукумати режада йўқ бундай ишга маблағ сарфлашни кўзда тутмаган, деган хулоса бўлди.

Ўша кезларда Тиллакори мадрасасида таъмирлаш ишлари олиб борилаётган эди. Шу ишлар билан боғлиқ ҳолда, унинг жануби-ғарбий бурчаги районида, мадрасанинг фундаментини ўрганиш масаласи кўтарилиб, бу ишга институтимиз ходимлари сафарбар этилган эди. Шурф-траншея қазиш вақтида 2 метрга яқин чуқурликдан айлана шаклида ишланган, сув қудуқлари устига ёпинчиқ сифатида қўйиладиган плита тош чиқиб қолди. Бундай қудуқ тошларининг Регистон майдонида учраши бежиз эмас эди. Тошни институтга олиб бориб, археологлар билан муҳокама қилдик.

**Бу ашёвий далил Регистон майдонида тўпланадиган сувни ер ости акведуки орқали ташқарига чиқариб ташлаш учун ишланган люк қопқоғи бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас, деган хулосага келинди. Демак, Улуғбек даврида мадраса, карвонсарой, хонақоҳ ва бошқа меъморий ёдгорликлар мажмуаси майдонида баҳорги ва қишки ёғингарчиликдан тўпланадиган сувни ташқарига чиқариб ташлаш учун тегишли чоралар кўрилган.**

Бу ҳақда «Бобурнома»да ёзилишича, қалин мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган қасрлар шаҳарларни ёғий босганда, узоқ қамалда қолган аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида шаҳар атрофидаги булоқ сувлари ёки қалъа яқинидан ўтган дарё ва сой тубига ўнлаб ер ости сув йўллари қурилган. Бундай иншоотлар «Бобурнома»да «обидўз» сифатида тилга олинади. Ҳар бир маҳобатли бинонинг қурилиш режасида ана шундай иншоот акс этган бўлиб, улар «шаҳарлараро ер ости йўли», ёки бир маҳобатли меъморий иншоотдан иккинчисига ўтиш йўли сифатида аҳоли орасида кенг тарқалган. Буларнинг барчаси таҳлил этилиб, биз, Самарқанд археология институтининг олимлари Регистон майдонида кейинги қурилишлар даврида тўпланган қалин тупроқни олдириб ташлашга, Улуғбек мадрасаси майдони сатҳини очишни талаб қилишдан чарчамадик. Ниҳоят, Республика маданият вазирлигининг эксперт комиссияси ва Археология институти олимлари иштирокида бу масала муҳокама қилинди. Ҳар икки томоннинг позициялари эшитилди. Узоқ савол-жавоблардан сўнг эксперт комиссия аъзолари биз кўрсатган аргументлар илмий асосга эга эканини тан олди. Бироқ маблағ муаммоси бор эди. Вилоят ижроия қўмитаси раиси Синдор Ҳамроқулов тегишли маблағни маҳаллий ҳокимият ўз зиммасига олишга тайёр эканлигини билдирди.

Икки ой давом этган иш жараёнида майдоннинг тегишли икки жойидан тупроққа тўлган ер ости акведуки люк ўринлари топилди. Улар бир неча метр узунликда тозаланди. Ер ости акведуки пишиқ ғиштдан аркасимон шаклда қурилган. Унинг поли устига бир-бирига уланган сопол қувурлар ётқизилган. Бу иншоот Улуғбек замонасида қурилган ер ости канализациясидан далолат эди. Канализация Регистон майдонидан ғарбга томон, машҳур Кўксарой қалъаси шарқидан ўтган, ҳозирда жарликка айланган, қадимги сойга йўналтирилган. Муҳим ютуқлардан яна бири — майдоннинг дастлабки, Улуғбек замонасидаги сатҳи, майдондаги безакли ғишт йўлаклар композицияси очилди. Улуғбек мадрасасининг кошинкор деворлари намликдан узоқлашиб, эркин нафас олиш имкониятига эга бўлди. Ушбу, таъмирлаш жараёнида юқорида айтилган бургут бошли герб ҳам билинтирмай олиб ташланди.

Мен 90 ёшни қоралаб қолган бир мутахассис сифатида собиқ шўро даврида Регистон майдонидаги сир-синоат билан боғлиқ таъмирлаш ишлари қай тариқа амалга оширилганидан ёшларимизни хабардор қилишни лозим топдим.

**Аҳмадали АСҚАРОВ,**
**академик.**

**Регистон майдонида (унинг шимоли-ғарбида) илк бор XIV аср охирида Телпакфурушон (телпак сотувчилар) номи остида марказий тим (гумбазли бозор) биноси қад кўтаради. Аммо Регистон майдонининг меъморий шаклланиши эса XV асрда юз беради. Дастлаб Мирзо Улуғбек ташаббуси билан 1417-1420 йилларда ўз даврининг олий ўқув дорилфунуни — Улуғбек мадрасаси қурилади.**

---

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан «Миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.**

# БАРЧАМИЗ УЧУН ЖОНАЖОН ДИЁР

Қўмита раиси Р.Қурбонов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси экспертлар кенгаши раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар юртимизда ижтимоий барқарорлик, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик риштaларини янада мустаҳкамлаш масаласи Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислоҳотларда устувор ўрин эгаллаётганини таъкидлади.

Қўмита юртимиздаги 137 миллий маданий марказ, 35 дўстлик жамияти фаолиятини мувофиқлаштириб, Ўзбекистондаги барча миллат ва элатларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, анъана ҳамда урф-одатларини асраш ва ҳар томонлама ривожлантириш, ислоҳотлар ривожига муносиб ҳисса қўшиш йўлида самарали фаолият кўрсатмоқда.

«Халқ дипломатияси» механизмидан фойдаланган ҳолда тинч ва фаровон ҳаётни асраш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, чет элдаги ҳамюртлар билан яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишга самарали ҳисса қўшмоқда.

Дунёнинг 14 мамлакатида истиқомат қилаётган ватандошларимиз томонидан тузилган 27 та ташкилот, 8 та хорижий давлатдаги 13 та турдош ташкилот билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Кўплаб давлатлардан делегациялар қабул қилинди.

«Ўзбекистон — Афғонистон» ва «Индонезия — Ўзбекистон» дўстлик жамиятлари ташкил этилди. Қозоғистон, Россия, Тожикистон ва Хитой давлатлари билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Тадбир доирасида яқинлашиб келаётган 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ медиа соҳаси вакилларига эсдалик совғалари топширилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

**ОЧИҚ КЎНГИЛ БИЛАН**

**Бугун атрофга назар ташласак, ҳаётимизни ўраб турган турфа гўзалликларни кўрамиз, улардан баҳра оламиз... Мана шу гўзалликлардан энг гўзали садоқат, меҳр ва муҳаббат деган неъматлардир. Меҳр ва муҳаббат инсонлар қалбини қуёшдек ёритиб, нур сочиб туради.**

# ВАФО ВА ВАФОСИЗЛИК

Лекин мана шу нур остида беркинган вафосизлар эса бир четда соя бўлиб қолиб кетавераркан-да. Нега шундай? Кўча-кўйда юрганимизда ёки дўсту ёрларимиздан «У менга вафо қилмади, вафосиз экан, хиёнат қилди», деган гапларни эшитиш одатий ҳол бўлиб қоляпти. Ўйлаб кўрайликчи, вафо инсонлардан узоқлашаяптими, ёки инсонлар вафосизлик ортига беркинишаяптими?

Дўстга садоқат, вафодорлик ҳақида улуғ бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий ҳам «Маҳбуб ул-қулуб», яъни, «кўнгилларни севгани номли маърифий-ахлоқий асарида шундай фикрларни айтади. «Дўст улдурким ўзига раво кўрмаган нарсани дўстига ҳам раво кўрмайди. Ўзи дўсти учун ўлимга тайёр бўлса ҳам, аммо дўстини бу ишда шерик қилмайди». Бундан кўриниб турибдики, вафо ва садоқат қалбларни бирлаштирувчи занжир.

Дўстлик — илоҳий туйғу. Менинг ҳам бир дугонам бўларди. У билан жуда аҳил, жуда иноқ эдик. У қўшни маҳаллада турар эди. Биз мактабдан келиб, уларнинг уйида дарс тайёрлардик, мактабда энг фаол ўқувчилардан эдик. Ҳамма қизларнинг бизга ҳаваси келарди. Бир куни дугонам мактабга икки кун келмагани боис, хавотир олиб уйига борсам, ойиси жаҳл билан унинг йўқлигини айтди. Мен дугонам уйдалигини билиб турардим.

Уйга келганимда, онам «У дугонанг билан алоқангни узганинг яхши, бирга юрганларингни даданг кўриб қолса, қаттиқ хафа бўлади», деди. Кейин билсам, дадам билан дугонамнинг дадаси ўртасида низо чиққан экан.

Эртаси куни дарсга борсам, дугонам одатдагидек мен билан қучоқ очиб кўришди. Ҳайрон бўлдим, чунки энди у менга қайрилиб ҳам қарамаса керак, деб ўйлаган эдим. Унга секин қараб: «Энди нима бўлади?», деб хўрсиндим. У эса гап нима ҳақидалигини билди шекилли, қўлимдан маҳкам ушлаб, «Дугонажон, хавотир олма, бу келишмовчиликлар ўртамизга ғов бўла олмайди. Бу оталаримизнинг муаммоси», деди. Кўнглим ёришиб кетди ва дугонамни қучоқлаб олдим.

Дўстлик садоқат билан кучли, қудратли. Дўст бошингга синов тушганда билинади. Оғир кунда дўстинг ёнингда турмаса, уни дўст дейиш мумкинми? Ёки ишларинг юришиб турганида доим ёнингда юрган, аммо омад сендан юз ўгирганда, узоқлашиб кетган дўстни дўст, деб бўладими?

**Гулҳаё ҲУСАНОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Учкўприк тумани.**

Умиданинг айтишича, тушларида ҳамиша онасини кўради.

# «БОЛАЛАРНИНГ ИЛТИМОСИ БИЛАН ОТА-ОНАЛАРИГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛАМИЗ,

## *келиб фарзандини кўриб кетишини сўраймиз».*

**ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ**

**Қўрғонтепа туманидаги Мурувват ногирон болалар интернат уйидаги катта оила ҳақида.**




Муассасага борганимизда эшик олдида қоровулни учратдик. Ўзимизни таништириб, «раҳбарнинг хабари бор», дейишимизга қарамасдан, ичкарига ошиқди. Директорга келганимизни айтиб чиқди. Хуршида Халилова бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

Ҳовлидан бошлаб гўзал манзара касб этган Мурувват уйи озода, шинам, қулай шароитга эга. Кичик фавворалар, манзарали ва мевали дарахтлар, бино ичидаги сон-саноқсиз гуллар мусаффо ҳавони таъминлаш билан бирга, кишига завқ беради. Ҳар бир деворга эртак қаҳрамонларию, табиат манзаралари расми туширилган. Тарбиявий аҳамиятга эга иборалар, турли эслатмалар ҳам эътибордан четда қолмаган.

— Муассасамиз 2016 йилнинг май ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказилди, — дейди Хуршида Халилова. — Ўша вақтда бу ерда қатор муаммолар йиғилиб қолган эди. Таъмирлаш, шароитни яхшилаш, иссиқлик таъминоти ва яна бошқа масалаларда туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Мурувват уйидаги болаларнинг хасталиги бир хил эмас. Бу ерда ақли заифлар, **шизофрения** ДЦП ва даун синдромлари, эпилепсия, жисмоний нуқсони бор ва яна бошқа турдаги ташхислар қўйилган 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар бор. Шуниси ҳам муҳимки, уларнинг ўзлари 3 тоифага бўлинади: ётувчи, юрувчи ва эмакловчи болалар. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланиб, характеридан келиб чиқиб, муомала қилинади, парваришланади. Аксинча бўлиши ҳам мумкин эмас.

Муассасамизда шароитлар юқори даражада ташкил этилиши болаларнинг соғлиғи, кайфиятига таъсир қилади. Шуни инобатга олган ҳолда, бинолар санитар, гигиена талабларига мос равишда қайта таъмирланди, иссиқ сув, 24 турдаги дори-дармон ҳамда зарур барча воситалар билан таъминланди. Ошхоналар замонавий анжомлар билан жиҳозланди. Шу билан бирга, ўқув хоналари, кутубхона бор. 3-синфгача ўғил-қизлар ўқитилади. Ҳомийлар ва туман ҳокимлиги кўмагида бадминтон, футбол, баскетбол ва волейбол учун мўлжалланган спорт майдончаси қурилди, стол тенниси болажонлар ихтиёрида. Ўқув сенсор ва компьютер хоналари ташкил қилинди. Бу ҳам болага меъёрий ҳаёт кечириши учун ёрдам беради, деб ўйлайман.

Турли машқлар, расм, санъат, ҳунармандчилик дарслари ўтказилади. Баъзи тарбияланувчилар туман ва вилоят миқёсидаги тадбирларда иштирок этиб, яхши натижаларга эришиб келмоқда. Икки йилдирки, муассасамиз жамоаси паралимпия мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Зулайҳо, Мадина исмли қизларнинг рақси кўпчиликнинг олқишига, эътирофига сазовор бўлмоқда. Айрим тарбияланувчилар ўз қўллари билан турли нарсалар ясайди, компьютерда ишлай олади. Улар улғайиб, жамиятда ҳамма қатори ҳаёт кечириш имкониятига эга. Масалан, бу йил тананинг белдан пастки қисмида фалажлик ташхиси билан муассасамизда яшовчи 3-4 нафар ўғил-қизни коллежга жойлаштирамиз. Чунки улар ўқий олади. Ҳунармандчилик ёки қўлда бажариладиган бошқа касб-ҳунар эгаси бўлади. Бу биз учун жуда қувонарли. Ҳар бир ютуқ, ҳар битта рағбат барчамизни бирдек ҳаяжонга солади, хурсанд қилади.

Биздан эса фақат ва фақат ишлаш, виждонан, юракдан ишлаш талаб қилинади. Ҳамиша юқори сергаклик, ҳушёрлик, масъулият ва жавобгарлик талаб этилади. Мана шуни ходимларга тушунтиришга ҳаракат қиламан. Аксарият болалар жиддий нуқсонлар билан туғилган. Уларнинг ҳаёти нима билан тугаши бизга қоронғу. Тиббиёт, фан, инсон ожиз бўлган сабабларга кўра, болалар ўлими кузатилади. Бироқ ўтган 2-3 йилдаги қилинган ўзгаришлар, шароитнинг яхшиланиши, эътибор ва ғамхўрликнинг ортиши сабабли айнан ушбу ҳолат 30-40 фоизга камайди, деб айта оламан.

Тўғри, қилинадиган ишлар кўп, зиммамизда масъулият катта. Боланинг ҳаётига бироз бўлса-да мазмун, янгилик, қувонч олиб киришга ҳаракат қиляпмиз. Ота-оналарнинг ҳам кўнгли тўқ. 330 ўринга мўлжалланган муассасада ҳозирда 300 нафардан ортиқ бола яшайди. Уларга қанчалар яхши шароит қилинмасин, меҳр берилмасин, ота-она, оиланинг ўрни бошқа. Афсуски, буни барча ота-оналар ҳам тўғри англамайди. 35-40 фоиз боланинг яқинлари келиб, хабар олади. Бошқалари эса ташлаб қўйган. Йиллаб боласи билан қизиқмайдиган инсонларга қойил қолмайман. Кўп ҳолларда болаларнинг илтимоси билан ота-оналарга қўнғироқ қиламиз, келиб фарзандини кўриб кетишини сўраймиз. Баъзида ота-оналар «болам озиб қолибди, яхши қаралмабди», деб шикоят қилади. Шунда аввал уларни эътирозсиз эшитиб, кейин бунинг сабабларини тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Фарзандининг қандай ташхис билан ётганини эслатиб, ота-онаси, яқинларига ичикиб ёки касали хуруж қилганда мана шу ҳолат кузатилаётганини айтамиз.

Ўтган йили Тошкентдан 4 ёшли Фотима ва Зуҳра — сиам эгизаклари олиб келинди. Уларнинг шеър айтиши, рақс тушиши кишини ҳайрон қолдиради. Яратганнинг қудратини қарангки, бу икки қизнинг ҳамма аъзолари иккитадан. Россия, Исроил мамлакатларидаги мутахассислар билан гаплашдим. Кўплаб халқаро ташкилотларга сўровлар юбордик. Афсуски, уларни жарроҳлик йўли билан даволаб бўлмас экан. Ҳаттоки сунъий аъзолар қўйиш ҳақида ҳам бош қотирдик, халқаро мутахассислар билан маслаҳатлашдик. Бироқ бу ҳам самарасиз бўлди. Демак, бу ҳолатда биз ҳам, тиббиёт ҳам ожиз. Уларни доимий эътиборда тарбиялаш, парваришлашдан бошқаси қўлимиздан келмайди...

Биласизми, мен биринчи марта бу ерга келганимда ишни нимадан бошлашни, қандай ишлашни билмай бошим қотган. Ҳаттоки, қўлимдан келмайди, деган хаёллар ҳам бўлган. Чунки бу ерда қилиниши керак бўлган вазифалар кўлами катта, кўп ишлаб, кам дам олиш керак эди. Мана, шукрки, ҳаммаси секин-аста бир маромга келяпти, кундан-кунга янги ғоялар ҳам туғиляпти. Қисқа қилиб айтганда, Мурувват уйимиз менинг иккинчи оиламга айланди. Қаерда бўлсам ҳам болалар ҳақидаги ўйлар тарк этмайди. Ҳар бирининг муаммосини, эҳтиёжини унутмасликка, уларга ечим топишга ҳаракат қиляпман.

Хуршида Халилова муассасадаги ўзгаришлар ҳақида суҳбатдан сўнг бўлимлар, у ердаги болалар билан танишишга таклиф этди.

Болажонларнинг ҳаммаси у кишига талпинганини кўриб, меҳрнинг кучига қойил қолдик. Бир танада жойлашган икки қалб, икки инсон — Фотима ва Зуҳранинг ўз тилида айтган қўшиғидан фақатгина «бу менинг онам» сўзларини тушуна олдик. Олқишлаганимизни кўрган мурғак қалбларнинг кўзларида қувонч порлади.

Бўлимларни айланиб юрар эканмиз, йўлаклар болаларнинг тўгаракларда устозлари ёрдамида ўз қўллари билан ясаган турли-туман нарсалар, буюмлардан иборат кўргазмалар билан безатилганини кўрдик. Шу вақт бизга ҳамроҳ бўлаётган ходимлар орасидан кимдир «гапира оладиган болаларимиз ҳам бор», деди ва бизни уларнинг ёнига бошлади.

— Исмим Усмонали, Балиқчиданман, — деди ётоғида ўтирган болакай. — 2006 йилда туғилганман ва шундан буён бу ерда яшайман. Она-тили ва адабиёт, математика, физика дарсларини яхши кўраман. Энг севимли тарбиячим эса Раъно опа. Мен яна адвокатлик касбини ёқтираман. Санашни, шеър айтишни ўргандим. Самир, Диана, Шаҳриёр, Райҳона яқин ўртоқларим. Улар билан топишмоқ айтиш ўйинларини ўйнаймиз.

Усмонали сабзи ҳақидаги топишмоқ ҳамда ушбу сабзовотнинг фойдали хусусиятлари тўғрисида билганларини айтиб берди. Саволларимизга жавоб берар экан, қўллари билан оёқларига ёпилган чойшабни ўйнар, ҳаяжондан энтикиб қўярди. У каби яна бир қанча болалар билан суҳбатлашишга, уларнинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилдик. Айримлари билан яқин ўртоқ ҳам бўлиб олдик. Масалан, Умида Йўлдошева 1991 йилда дунёга келган экан. 4 ёшида уни қўшни Қирғизистон билан чегарадош ҳудуддан топиб олиб, муассасага келтиришган. Унга шизофрения ташхиси қўйилган. Деярли бутун умри Мурувват уйида ўтган бу қизни барча танийди. Тарбиячи ва энагалар «дастёримиз, ёрдамчимиз», деб мақташди.

Умиданинг айтишича, тушларида ҳамиша онасини кўради. Соғинчини кўз ёшлари билан аритишга ҳаракат қилади. Шеър ёдлаш, рақсга тушиш, спорт билан шуғулланиш орқали овунади. Айрим вақтларда ўзи ҳам шеър ёзаркан.

**«Ишқда эриб кетган менинг бу кўнглим, Ҳасрат териб кетган менинг бу кўнглим, Буткул қариб кетган менинг бу кўнглим, Онажон, мен сизни қайлардан излай».**

Умиданинг ёзганларидан бир нечтасини олдик. Матбуотда чоп этишга ёрдам қилишга ваъда бериб, у билан хайрлашдик.

Мурувват уйида тарбияланувчилар хилма-хил табиатли, турли ҳудудлардан келган, хасталиклари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Лекин бу масалада ҳар бирининг опаси, синглиси, акаси ёки укаси, ва албатта, ойиси бор. Демак, улар ёлғиз эмас, улар катта бир оила.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ХАВФСИЗ ТУРИЗМ ХОДИМЛАРИГА

## *рус ва инглиз тилини билиш талаби қўйилади*

**МАТБУОТ АНЖУМАНИ**

**Миллий матбуот марказида Ички ишлар вазирлиги томонидан «Хавфсиз туризм» концепцияси ҳамда ички ишлар органлари хавфсиз туризмни таъминлаш бўлимларининг туризм намойиши объектларида ва инфратузилмаси ҳудудида туристлар хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида матбуот анжумани ўтказилди.**



— Мамлакатимизда туристик салоҳиятни юксалтириш, туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, уларга қулай ва хавфсиз шароитлар яратиш мақсадида 2017 йил 23 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ туристлар оқими юқори бўлган Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида 2018 йил 1 январдан бошлаб хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил қилинди, — дейди **Ички ишлар вазирлиги хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Абдурашид Алишеров.** — Унга танлов асосида бир нечта хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган, касбий жиҳатдан етук ҳамда юксак муомала маданиятига эга ходимлар жалб қилинди. Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ИИБларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан жорий йилнинг 5 ойи давомида 47 давлат ва халқаро ташкилотлардан ташриф буюрган 313 делегацияни кутиб олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кузатиш билан боғлиқ тадбирлар ташкил этилди. Бундан ташқари, бўлинма ходимлари томонидан турли масалаларда ёрдам сўраган 23 мингдан ортиқ хорижий ва маҳаллий туристларнинг мурожаатлари кўриб чиқилган ва уларга керакли ёрдам кўрсатилган.

Шунингдек, туристларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг маданияти ва меҳмондўстлик фазилатларини юксалтириш мақсадида бўлинмалар томонидан 2 минг 709 профилактик тадбир ўтказилган.

Туристларга қўшимча қулайликлар яратиш ва хавфсизлик чораларини кучайтириш масалалари юзасидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларга 105 таклиф ва тақдимномалар киритилган, уларнинг 18 таси ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматларига, 42 таси маҳаллий ҳокимият органларига, 45 таси бошқа давлат орган ва ташкилотларига юборилган.

Бундан ташқари, хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ташкил этилган ҳудудларда туристлар томонидан ёки уларга нисбатан бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган.

– Президентимизнинг Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ туристик салоҳияти юқори бўлган Тошкент, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрининг ички ишлар органлари таркибида ҳам хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ташкил қилинди, — дейди **Ички ишлар вазирлиги хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси бош инспектори, полковник Сарварбек Усмонов.** — Шунингдек, юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун барча бошқармалар замонавий техник воситалар билан жиҳозланди. Жумладан, алоҳида белгилари билан ажралиб турувчи автобус, енгил хизмат автомашиналари, мотоцикл, скутер, сегвей ҳамда планшетлар билан таъминланган.

Журналистлар савол беришди:

— Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаларига бир нечта хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиганлар жалб қилинади, деганда нечта тилни билиш назарда тутилган?

Ушбу саволларга Ички ишлар вазирлиги хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Абдурашид Алишеров жавоб берди.

**— МДҲ давлатларидан келаётган туристларнинг барчаси рус тилини билишлари туфайли бизнинг ходимларимиз аввало рус тилини мукаммал билишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Бу юртимизга келаётган туристларда ходимларимиз ҳақида ижобий имиджни шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, туризм полиция ходимлари бутун дунёда универсал тил ҳисобланган инглиз тилида ҳам гапиришни билиши керак. Туристларда савол ёки муаммо пайдо бўлган ҳолларда ходимлар улар билан бемалол гаплашиб муаммони тезда бартараф этишга ёрдам беради.**

**Бундан ташқари, хитойлик туристлар сони ҳам йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Келажакда республикамизга келаётган хитойлик сайёҳлар оқими ошиши кутилаётгани муносабати билан хитой тилини биладиган ходимларимиз сонини ҳам кўпайтириш режаси бор. Бир сўз билан айтганда, мазкур бошқармаларнинг асосий вазифаси — туристларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, ёрдамга муҳтож сайёҳларга тезкор ва сифатли ёрдам кўрсатишдан иборат.**

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**БИЛАСИЗМИ?**

## Мактаб битирувчилари ОТМга ҳужжат топширганда *тўлов ундириладими?*



Олий таълим муассасаларига Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳужжат топширилганида жорий йил битирувчиларидан ҳамда ногиронлиги бўлган ёки тўлиқ давлат таъминотидаги шахслардан тўлов ундирилмайди.

Тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини тугатган абитуриентлардан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи (101 минг 365 сўм) миқдорида, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали эса мазкур тўловнинг 90 фоизи (91 минг 228 сўм) ундирилади.

## Аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги сабабли *иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тақиқланади.*



Аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади.

## Ўқитувчилар тиббий кўрикдан ўтиш *учун пул тўлайдими?*



Меҳнат кодексига мувофиқ, иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимларини тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт.

Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

Тиббий кўрикдан ўтиш муносабати билан ходимдан пул ундирилмайди, шунингдек, тиббий кўрикларни ўтказиш вақтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

## Транспорт воситаси жарима майдончасига қўйилишида *ЙПХ ходими қуйидагиларни амалга ошириши лозим:*

— ҳайдовчини транспорт воситасини бошқаришдан четлатади;

— маъмурий баённома ёки транспорт воситаси ушланганлиги тўғрисидаги қарорни расмийлаштиради;

— транспортдаги мол-мулк бўйича тегишли далолатнома тузади.

— далолатнома нусхасини транспорт эгасига (вакилига), шунингдек, транспорт воситасини жарима майдончасида сақлашга масъул бўлган шахсга топширади.

Бунда ваколатли давлат органлари томонидан ушланган транспорт воситаларини сақлаш вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан танлаб олинган юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Ушбу юридик шахслар ушланган транспорт воситасини жарима майдончасига махсус восита (эвакуатор) ёрдамида жойлаштирилишини таъминлаши шарт.

Бунда транспорт воситасининг эшиклари, багажниги, капоти, бензин баки қопқоғи сурғучланган (муҳрланган) ҳолда жарима майдончасига жойлаштирилиши лозим.

**Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали**

Нега бизда, мактаб ёхуд олий таълимда ҳаётда одамларга керак бўладиган яшаш тарзи ўргатилмайди?

# «Сифатли инсон» + «Маҳоратли мутахассис» = «Шахс»

***Мутахассис мулоҳазаси ёки илм-фандаги, таълимдаги аччиқ ва очиқ гаплар***

**Мутафаккирларимиз ўз асарларида таълимни тарбия билан боғлашга алоҳида аҳамият қаратишган. Инсон қалбининг маънавий озуқаси бўлмиш кўплаб асарлардаги адолат, жасорат, қадр-қиммат, ор-номус каби эзгу фазилатлар ёш авлод руҳиятида ўзликни сақлаб қолиш имкониятини беради.**



Афсуски, бизнинг ўқув дастурларда «Авесто», уйғониш даври, Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Навоий асарларига жуда кам соат ажратилган. Бундай аҳволда қандай қилиб фарзандларимизда миллий ғурур пайдо бўлиши мумкин? Японияда болага 4 синфгача аниқ фанлар ўрнига фақат адолатли, жасоратли, инсонпарвар, ватанпарвар бўлиш, табиатни, гўзалликни севиш, ҳис қилиш каби қатор фанлар ўқитилар экан. Нега, деб қизиққанимда, болада адолат туйғуси шаклланса, унда ғурур ўсар экан, ғурурли инсон ижтимоий ҳаётда ҳам шу сифатларга амал қилиб яшаш маданиятига эга бўларкан.

Биз эса, коррупцияга қарши курашиш учун катта маблағларни ҳуқуқ тартибот — идораларига ажратмоқдамиз. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қисқа даврда юксалиш сабабларидан бири — японлар ўқитувчига императорнинг обрўйини, вазирнинг маошини, дипломатнинг дахлсизлигини берганлигидир. Биз нима қилдик? Ўқитувчини боласи билан қўшиб мардикор қилдик. Ўзимиз эплолмаган амалларимизни унинг зиммасига юкладик.

Хитой тажрибасида **«Сифатли инсон» + «Маҳоратли мутахассис» = «Шахс»** формуласини яратишга қаратилган таълим фалсафаси мавжуд. Сифатли шахсни яратишга қаратилган мазкур таълим фалсафаси математик моделлаштириш орқали ишлаб чиқилганлиги туфайли амалий натижалари ҳам олдиндан аён. Уларда бизга ўхшаб ҳар ўқув йилида янги «дарсликлар ижод қилиб» болалар устида эксперемент ўтказилмайди.

Нега бизда, мактаб ёхуд олий таълимда ҳаётда одамларга керак бўладиган яшаш тарзи ўргатилмайди? Масалан, қандай қилиб тўғри ўтириш, гапириш, ўзини тутиш, креатив фикрни ифода қилиш, ўз ҳаётий йўлини танлаш, салоҳиятини намоён қилиш, одамлар билан самарали мулоқот қилиш, ҳамкорлик ўрнатиш, ўз вақти ва эътиборини тўғри тақсимлаш, мақсадлар қўйиш, муаммолар ечими бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш, ҳиссий билиш салоҳиятини, ижтимоий масъулиятини ошириш каби ўта муҳим масалаларга эътибор қаратмаймиз? Мактаб ва университет ўқув дастурларида келажак таҳдидларига, ҳаётий реалликларга нисбатан ўқувчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмаймиз, ўткир муаммоларга бефарқмиз ёки улардан қочишга ҳаракат қиламиз.

Муаммо шундан иборатки, бизда таълим дейилганда, фақат таълим тизими муассасалари соҳалари тушунилади. Шу сабабдан таълим ижтимоий ҳаётдан ва ишлаб чиқариш муносабатларидан айро ҳолда фаолият кўрсатади. Аслида таълим-тарбиянинг узвийлиги нафақат ўқув жараёнларининг узвийлигини балки, бутун жамиятнинг барча ишлаб чиқариш муносабатлари уйғунлигини таъминлаши лозим.

**Ўқитувчи ўқувчига адолатли ва жасур бўл, деб тарбия беради, лекин, маънавий асослари шаклланмаган жамият бундай туйғуларни қабул қила олмайди ёки рағбатлантирмайди. Натижада жамиятнинг маънавий ва моддий ҳаёти ўртасида катта тафовутлар вужудга келади. Мазкур муаммоларни англаш ва тан олиш – бу биринчи қадам. Аслида шу жараённинг ўзи оғир кечмоқда.**

**Иккинчи қадам, бизга амалдорларнинг субъектив майлидан холи бўлган, ўз қонуниятларига суянувчи таълим тизими керак. Бугунги мақсадларимизга ҳамоҳанг жамиятнинг барча бошқарувларида структуравий ўзгаришлар вужудга келиши лозим. Лекин ҳозиргача таълим жамият ривожининг локомотиви эмас. Унинг ғоявий ва маърифий етакчилик роли сезилмаяпти.**

Албатта, янги олий даргоҳлар, хусусий мактаблар очилаяпти, лекин улар миллий таълимнинг фундаментал яхлит асосини ташкил қилмайди. Гап жамият ҳаёти билан узвий боғлиқ таълим концепциясини яратиш тўғрисида кетаяпти. Тизимда маошларнинг кўтарилиши миллий таълим шаклини ёхуд унинг мазмунини ҳосил қилмайди.

**Бизда шу пайтгача олий таълим даргоҳлари раҳбарлари юқоридан тайинланиб келинаётганлиги сир эмас. Ривожланиш қонуниятига зид бўлган шу каби салбий тенденциялар яна қанча давом этади, айтиш қийин.**

Таълимда лаёқатсизликнинг оммавий тус олиши инновацион ғояларни идрок этишга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Раҳбарларда илғор ва етакчи ташкилий воситаларни излаб топиш ўрнига давлатнинг кейинги кўрсатмаларини кутиб туриш амали шаклланиб қолган. Шунинг учун ҳам бошқарув структурасини ўзгартирмасдан бирор-бир ижобий натижаға эришиш қийин. Фақат зуғумга асосланган турғун бошқарув қандай оқибатларга олиб келганлигини кўриб турибмиз.

**Учинчи қадам,** инновацион ёндашув асосида умумий мақсадларга ҳамоҳанг стратегик мақсадлар бошқарувига ўтишдан иборат. Кимнингдир амалий тажрибаси билан ўйлаб топилган ва четдан олиб, жорий этилган тадбирлар инновация бўлолмайди. Инновацион ёндашув мавжуд муаммоларни ҳал этиш баробарида оқилона воситаларни танлаш ва самарадорликка эришиш методологиясидир. Бундай вазифаларни ҳал этишга Ўзбекистон олимларининг ҳам салоҳияти етади. Аммо сафарбарлик, рағбат масаласини жиддий ўйлаб кўрмоқ керак. Ўртадаги бўғинлар топшириқларни ўз талқинида амалга оширади. Шунинг учун ҳам илмий жамоалар ишлаб чиқариш муносабатларидан узилиб қолган.

Бир пайтлар тақдир тақозоси билан Кореянинг Гонвон университетига хизмат сафарига борган эдим. Ўшанда архитектор олимлар бу иншоотни биз қурганмиз, бу лойиҳани биз яратганмиз, деб кўрсатишди. Мен қизиқиб: «Сизлар олим бўлсангизлар, қурилишга нима алоқангиз бор?» деб сўрадим. Маълум бўлишича, бу ерда лойиҳа тайёрлангач, қурувчилар ўртасида тендер ўтказиларкан. Кимнинг технологияси кучли бўлса, шу корхонага рухсат берилади. Яъни, давлат буюртмани (маблағни) олимларга беради, мабодо қурувчилар лойиҳадан четга чиқса, улар ишдан маҳрум қилинади. Ишлаб чиқариш жараёнига илм-фан кириб бормас экан, ўғирлик ва коррупциянинг олдини олиб бўлмайди.

**Тўртинчи қадам таълимнинг меъёрий ҳужжатлар тўплами билан боғлиқ. У профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва амалий фаолиятини ташкил этади, тартибга солади, назорат қилади. Бугунги кундаги мавжуд меъёрий ҳужжатларнинг аксарияти таълимда кўзда тутилган мақсадларга зид келади.**

Масалан, профессор 20 йилдан буён ўтиб келаётган фанининг ўқув режаси ва дастурларини ўзгартириши, такомиллаштириши мумкин эмас. Чунки у вазирликда тасдиқланган. Германияда эса профессорнинг дастури ҳам йўқ. У шу фаннинг эгаси, ҳеч бўлмаганда ижодкори. Унга ишонмаслик ёхуд кўрсатма бериш уят. **Бизда эса, стандарт меъёрлардан чиқиб кетган олим жазоланади. Боз устига, яна қандайдир саводсиз ёш мутахассис олимнинг ижодий салоҳиятини эмас, журналини назорат қилади.** Дарсларнинг ҳаддан ортиқ кўплиги олимларни илмий изланишлардан чеклайди, дарснинг сифатини пасайтиради, талабанинг меъдасига тегади. 800-1000 соатдан ортиқ дарс соатларининг белгиланиши, ижодий маҳсулотнинг юкламадан олиб ташланиши унда хуфиёна мақсадлар яширилганлигидан далолат бермайдими?

Бизда рейтинг мезонлари танишбилишчилик ва коррупциядан бошқа нарсага ярамайди. Унда талаба тўрт марталаб қайта имтиҳон топшириши мумкин. У илм олиш учун эмас, баҳо (стипендия) олиш учун тўртинчи марта албатта йўлини топади. Топмаса, ўқитувчининг устидан шикоят ёзади. Кўриб турганимиздек, таълимнинг монопол бошқаруви нафақат ижодий ёндашувларга тўсиқ, балки, турғунликка сабаб бўлмоқда.

Илмий тадқиқотчилар тизимини аввалига докторлик ишини ёқлаш тартибига ўтказилиши, кейин бу тажриба иш бермаганидан сўнг яна эски ҳолатига қайтарилиши жараёнларида йўқотишлар юз берди. Натижада аксарият салоҳиятли ёшлар илм-фандан кетиб қолишди. Айримлари олий аттестация комиссиясининг мудом ўзгарувчан талабларидан сарсонсаргардон. Беҳуда кетган умр, исроф этилган маблағлар учун ким жавоб бериши керак? Ваҳоланки, дунё тажрибасида кўплаб самарали таълим моделлари яратилиб бўлинган. Бизнинг «кашфиётчилигимиз» қандай мақсадларга қаратилганлиги кишини ажаблантиради.

Кўриб турганимиздек, охирги йилларда маълум мақсадлар илинжида оммавий лаёқатсизликнинг рағбатлантирилиши илм-фан ва маърифатнинг хиралашувига олиб келди. Бу ҳолат ўз навбатида ёшларимизнинг савиясизлигига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. **Ҳозирги талабаларимизнинг кўпчилиги мутахассисликлари бўйича амалий лаёқатга эга эмас. Чунки улар бир семейстрда стандартга мувофиқ 7 та фан ўрнига 12 та фанни ўзлаштириши керак.** Талабалар эксперемент тажрибаларини доскага чизилган чизмалар асосида ўтказадилар. Боз устига биринчи босқичда «Ўзбекистон тарихи»ни ўқиймиз, лекин, 4 босқичда давлат имтиҳонини қабул қиламиз. Тарихшунос талабаларга иқтисод назарияси ўқитилади. Талаба 4 босқичда диплом иши билан машғул бўлиш ўрнига яна турли ижтимоий фанларни ҳам йўл-йўлакай ўзлаштириши керак. Тилчи ва адабиётчилар олий математикадан маъруза тинглайди. Корейс тили талабалари қўшимчасига хитой тилини ўрганишлари керак. Натижада талабалар мутахассисликка доир илм-фанни ўрганишдан кўра, сессияни «ёпиш» маҳоратини эгаллаб олди.

Жамият мустақил, креатив фикрловчи шахсларни тарбиялашдан манфаатдор бўлиши керак. Бунинг учун ўз навбатида мактаб ва олий таълимни инновацион даражага кўтариш зарур. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг креатив руҳини ва танқидий фикрини рағбатлантириш, таълим тизимини тубдан яхшилаш ва ўзгартириш йўлларини излаш лозим.

**Миллий таълимнинг бугунги ҳолати маънавий қадриятлар билан тўйинтирилган мустақил ва эътиқодли шахсни эмас хатти-ҳаракатлари бошқариладиган электрон дастурланган «кичик инсонлар»ни тарбиялашга олиб келди. Бугун мустақил фикр ва миллий эътиқод жамият талабларига мос келмаётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз.**

Таълимнинг вазифаси зўрма-зўраки мослашиш кўникмаларини шакллантириш билан чекланаётганлиги оқибатида инсонпарвар туйғулардан мосуво бўлган, бегоналашган, агрессив дунёқараш вужудга келди. Бундай технократик армия табиий равишда қадриятларни жамият руҳиятидан сиқиб чиқаришга уринади. **Гап одамларнинг ножоиз ижтимоийлашуви ҳақида бормоқда. Яъни, мақсад жамиятдаги таъқиқ ва топшириқларни сўзсиз бажарадиган итоаткор, руҳи тобеъ, «дипломли мутахассисларни» тайёрлашга қаратилган.**

Агар чуқуррок эътибор қаратсак, тест тизимидаги «фол очиш», эслаб қолиш, ёдлаб олишдек хусусиятлар устуворлиги талабанинг фикрлаш қобилиятини чеклаб қўйганлигини кузатамиз. Чунки у мустақил тафаккур ва фикр юритишдан кўра маълумотга эгалик қилиш туйғуси билан қуролланган. **Шунинг учун у табиатан инженер эмас, тайёрланган инженер.**

> **Албатта, янги олий даргоҳлар, хусусий мактаблар очилаяпти, лекин улар миллий таълимнинг фундаментал яхлит асосини ташкил қилмайди. Гап жамият ҳаёти билан узвий боғлиқ таълим концепциясини яратиш тўғрисида кетаяпти.**

**Юристларимиз ҳам шундай – кўрсатма ва топшириқлар ижрочиси. Унда она Ватан олдидаги бурч ва мажбурият тушунчаларини ифода қилувчи касбий эътиқод шакллантирилмаган.**

Бугунги таълим одамларга салоҳияти ва иқтидорига қараб эмас, нимага эгалик қилишга эришганлигига қараб баҳо беришни ўргатади. Яъни, пул, мол-дунё, мутахассислик даражаси, келиб чиқиши каби жисмоний жозибадорлик устуворлик қилади. Энг ачинарлиси, кўпчилик шундай, деб ҳисоблайди. Инчинун, шу каби тушунчаларнинг ижтимоий-оммавий даражада мавжудлиги носоғлом жамият руҳиятининг аломатидан далолат беради. Шундай экан, миллатнинг руҳиятини даволаш ҳам таълим фалсафасининг асосида ётади.

Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаларини ёки узоқ масофадаги ракеталарни қўллаш шарт эмас. Таълим сифати бирмунча пасайтирилса, шунинг ўзи етарли. Бемор ношуд шифокор қўлида нобуд бўлади, бинолар қулайди, пул молиячи қўлида йўқолади, адолат судья қўлида топталади, бошқарув ношуд сиёсатчилар қўлида издан чиқади.

Сўнгги даврларда таълимсиз ҳам фаровон яшаш мумкин, деган тушунча одамларимиз онгида бирламчи қарашга айланди. Ўқитувчилар далаларда мардикорга айлантирилди, олимларнинг ночорликдан орияти топталди. **Хўш, ким айтади, таълим сиёсий воқеликдан йироқда деб? Боз устига, айтингчи, таълим инвесторлари Ўзбекистон ёшлари ҳамжамиятнинг рақобатбардош мутахассисларига айлансин, деган ният билан кириб келаяптиларми? Бепул пишлоқ қопқонда бўлади! Таълим тизимини такомиллаштириш важида халқаро бозорнинг янги ва арзон ҳудудлари кашф этилаяпти. Бу рақобат!**

Ҳамкорликда очилган олий ўқув юртлари яхши, аммо таҳсил олаётган талабалар келажакда қайси ва қандай мафкураларга хизмат қилишини бирон киши айта оладими?

Жараёнлар оралиғи миллий қадриятларга асосланган ғоялар билан тўлдирилмас экан, унинг ўрнини ўзга маданиятлар билан тўлдиришга бўлган уриниш ортиб боради. Афсуски, жозибадор ва жимжимадор технологияларнинг манфаатдор маҳаллий ҳомийлари ҳам бисёр бўлади. Оқибатда жамиятда четдан кириб келган ҳар қандай матоҳни инновация сифатида қабул қилиш, уларга тақлид қилиш ортиб боради. Бу ўз навбатида миллий ўзликни англашни хиралаштириб борувчи туйнукка қараб етаклайди.

Бундан ташқари, халқаро майдондаги инсон ақл-тафаккури учун кечаётган курашлар силсиласида интеллектуал ресурсларга эгалик қилиш мақсадида инновацион технологиялар кириб келаётганлиги ташвишли ҳолат. Интеграция, инновация, инвестициялар важида арзон ишчи кучи ҳудудларини эгаллаш аслида ривожланган мамлакатларнинг ташқи сиёсати таркибига киради. Шу ўринда, Хитой, Корея, Япония, Сингапур, Малайзия, Европа давлатларидан Швеция, Финландия, Германия давлатлари тажрибаси кўп ибратли йўлдир. Улар инвестициянинг катта қисмини миллий таълимни ривожлантиришга, уни қадриятлар асосида шакллантиришга, шу аснода миллий-маданий тараққиёт пойдеворини яратишга, ўзликни сақлаб қолишга сафарбар қилган давлатлар қаторига киради.

Таълим концепцияси бугун даврнинг маънавий зиддиятларини ифода этаётган таълим тизими ва педагогик тафаккур инқирозини англаши ва тан олиши билан белгиланади. Бир нарсани тан олиш керак: ўтган бир аср давомида якка шахс иродасига бўйсундирилган бошқарув тизимининг вужудга келтирилиши мутеълик, риёкорлик, таълим билан жамият ўртасида чуқур жарликни вужудга келтирди. Энди ана шу ҳақорат ва таҳқирларни енгиб ўтишни, жамиятда яхши ва ёмонни, фойда-ю зиённи ажратиб олишни олдимизга мақсад қилиб қўйишимиз лозим.

**Тўлқин АЛИМАРДОНОВ,**
**ЎзМУ профессори,**
**сиёсий фанлар доктори.**

---

**ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?**

**Ҳозирги пайтда Маъмурий судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқаётган, хусусан, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилиб, фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари тикланмоқда.**

## Пенсия борасидаги муаммолар

***маъмурий судларда кўрилади***



Таҳлилларга кўра, маъмурий судлар томонидан кўрилган ишларнинг аксариятини транспорт воситаларини қонунга хилоф равишда бошқариш билан боғлиқ, шунингдек, майда безорилик, ички ишлар идоралари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, паспорт тизими қоидаларини бузиш ва мутасаддилар томонидан пенсия миқдорини белгилаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ташкил этади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, пенсия ёшидаги юзлаб фуқароларимиз қонун ҳужжатлари орасидаги номувофиқликлар туфайли ўз иш стажларини тасдиқлата олмай сарсон бўлаяпти. Бунга Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг жойлардаги бўлимлари мутасаддилари томонидан аксарият ҳолларда фуқароларнинг пенсия миқдорини ҳисоб-китоб қилишда турли чалкашликларга йўл қўяётгани сабаб бўлмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар Яшнобод туман маъмурий суди томонидан фуқаро А.Абдуқаюмовнинг Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Яшнобод туман бўлими томонидан унга пенсия тўлаш рад қилингани ҳақидаги аризаси кўриб чиқилди. Унга кўра, А.Абдуқаюмов 1988 йилдан 1994 йилга қадар «РИЦА» кооперативида, 1994 йилдан 1999 йилга қадар «Олмос-92» МЧЖда ишлаган. Лекин ойлик иш ҳақини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилолмаган. Ана шу муддат эътиборга олинмагани учун унга пенсия бўлимининг қарори билан пенсия тайинлаш рад этилган.

Суд мажлисида А.Абдуқаюмов юқорида номлари кўрсатилган корхоналарда ҳақиқатан ҳам ишлаганлигини, буни меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар ҳамда гувоҳлар тасдиқлашини, меҳнат дафтарчасининг асл нусхаси тўлиб кетганлиги учун ўша даврларда меҳнат дафтарчасининг дубликати расмийлаштирилганлигини, лекин пенсия жамғармаси ушбу ҳолатни инобатга олишдан асоссиз бош тортганини билдирди.

Аризачи пенсия жамғармасига мазкур даврни инобатга олган ҳолда меҳнат стажига қўшиш масаласини қайта кўриб чиқиш мажбуриятини юклатишни сўради.

Суд мажлисида Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармаси Яшнобод туман бўлими вакили М.Назирова ўз кўрсатмасида фуқаро А.Абдуқаюмов юқорида номлари кўрсатилган корхоналарда ҳақиқатан ҳам ишлаганлиги ҳақидаги ҳужжатлар архив сақловига топширилмаганлиги учун уларни текширишнинг имкони бўлмаганлигини, ҳужжатлар топилгунга қадар ушбу даврлар меҳнат стажига қўшиб ҳисобланмаганини билдирди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган Е.Никонова, А.Ғуломовлар ҳақиқатан ҳам А.Абдуқаюмов «РИЦА» кооперативида, кейинчалик «Олмос-92» МЧЖда ишлагани ҳақида кўрсатма берди.

Меҳнат кодексининг 282-моддасига асосан, барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилиниши лозим бўлиб, давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар иш берувчилар, шунингдек, суғурталанган ходимларнинг ўзлари томонидан тўланади.

Шунга кўра, маъмурий суд томонидан фуқаро А.Абдуқаюмовнинг Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Яшнобод туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларига нисбатан келтирган шикоят аризаси қаноатлантирилди.

**Зуҳриддин ИРСАЛИЕВ,**
**Яшнобод туман маъмурий суди раиси.**

---

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири

**Акром ИНОМОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Сафда турган ҳарбий либосли йигитлар орасида ўғлим борлигидан ғурурландим.

**ФАХРИЯ**

**Журналистлар ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси, республикада хизмат кўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидов бошчилигида ўн бир нафар журналист Умра зиёратини адо этиб қайтди.**

# Журналистлар Умра зиёратида

Зиёрат давомида қилинган дуолар жараёнида, юртимизга тинчлик-омонлик, халқимизга фаровонлик, қут-барака, фарзандларимиз камолотига эзгу тилаклар билдирилди. Дунёвий билимларимиз диний билимлар билан бойиди. Тили, ирқи, ранги-рўйи турлича бўлган инсонлар имом Бухорий юртиданлигимизни эшитиб, жуда бошқача ҳурмат-эҳтиром кўрсатишди, бундан қалбимизда фахр-ифтихор туйғулари уйғонди.

Ҳамкасбларимиз Баҳовуддин Нақшбанднинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин», деган ҳикматларига амал қилишиб, зиёратнинг биринчи кунидан ишга киришиб кетишди. Журналистларимиз кўрган ва эшитганларини қоғозга, тасвирга тушириб, ижтимоий тармоқларга жойлаштиришди.

Ҳар кунлик зиёрат тўғрисида «Ўзбекистон» телеканалига махсус репортаж ва интервьюлар етказиб турилди. ЎзА ва бошқа ОАВларига хабарлар, материаллар юборилди.

Рамазон ойи бўлганлиги сабабли, ифторликдан сўнг Жидда шаҳрига – Ўзбекистоннинг Саудиядаги элчихонасига ташриф уюштирилди. Бу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари, ишбилармонлар билан бўлган мулоқот дўстона руҳда, самимий тарзда ўтди. Саудиялик ҳамкасблар Ўзбекистонга ташриф буюрадиган бўлишди. Зиёрат давомида Мадина, Макка шаҳарларидаги жуда кўплаб тарихий жойларга саёҳатлар уюштирилди.

**Собиржон ТЕМИРОВ,**
**«Бешариқ тонги» газетаси муҳаррири, ЎзХДПдан туман Кенгаши депутати.**

**ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ**

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтида институтнинг битирувчиларига диплом ва лейтенант унвонлари топширилиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти, битирувчиларнинг ота-оналари, институтнинг профессор-ўқитувчилари ва кенг жамоатчилик иштирок этди.


Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

# Оқ йўл, лейтенантлар!

Тадбирда сўзга чиққан **Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-лейтенант Турсунхон Худайберганов, Институт бошлиғининг ўринбосари, полковник Дилшод Тохтамуратов** Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунлари, Президентимизнинг соҳага оид фармон ва қарорлари ҳар томонлама етук, билимли, масъулият ва бурчни чуқур ҳис қиладиган ҳамда ўз касбини севиб ардоқлайдиган олий маълумотли мутахассис кадрларни тайёрлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганлигини таъкидлашди. Битирувчи лейтенантларга келгусидаги шарафли ва масъулиятли касбида муваффақиятлар тилашди.

— Саф майдонида ҳарбий либослари ўзларига ярашиб турган навқирон йигитларни кўриб, улар орасида ўғлим ҳам борлигидан ғурурландим, — дейди **битирувчи курсантнинг онаси Дилфуза Зайниддинова.** — Ўғлим жонажон Ватанимиз, муҳтарам Президентимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилишига ишонаман.

— Бугун биз, ёш офицерларнинг қувончимиз чексиз, — дейди **битирувчи курсант Рустам Аҳмедов.** — Бизни вояга етказган ота-оналаримизга, таълим-тарбия берган устозларимизга, барча шарт-шароитларни яратиб берган ҳурматли Президентимизга миннатдорлигимни билдираман. Ватанимиз тинчлигини сақлаш, халқимизнинг тинч-осуда ҳаётини асраш, эл-юртимизнинг моддий бойликларини ҳимоя қилиш йўлида бор куч ва имкониятимни, олган билимларимни ишга солиб, садоқат ва шижоат билан хизмат қиламан.

— Ўғлимнинг ҳаётидаги қувончли кунда қатнашиш учун Навбаҳор туманидан етиб келдим, — дейди **битирувчи курсант Низомиддин Шукурқуловнинг отаси Фарҳод Ҳакимов.** — Турмуш ўртоғим Сайёрахон билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик. Фарзандларимиз орасидан Низомиддин ёшлигидан ҳарбий бўлишга қизиқарди. Мана, бугун ўзи орзу қилган шарафли ва масъулиятли касб эгаси бўлганидан жуда хурсандман. Унинг устозларига, мана шундай малакали кадрларни тайёрлаб бераётган олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларига раҳмат айтмоқчиман.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**БМТнинг Халқаро маданиятларни яқинлаштириш ўн йиллиги, «Самарқандиана» энциклопедик лойиҳаси доирасида Регистон ансамблидаги Тиллакори мадрасаси галереясида япониялик фотосуратчи Жин Акинонинг «Лаҳзаларга муҳрланган ўзбек анъанаси» фотоальбоми тақдимоти бўлиб ўтди.**

# Япон фотосуратчисининг ҳайратлари



Ўзбек анъанавий архитектурасини ўзида акс эттирган ушбу альбомдан ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарлар суратлари ўрин олган. Китобда кўрсатилган барча суратлар замонавий QR-код билан махсус веб-сайтга уланган бўлиб, бу китобнинг доимий янгиланиб туриши ва қўшимча маълумотларни онлайн режимида олиш имконияти борлигидир.

— Дастлабки суратларни Самарқандда олганман, — дейди Жин Акино. — 2008 йилда «Самарқандиана» энциклопедик лойиҳасида қатнашганим сабабли, Самарқанд давлат музейида шахсий кўргазма ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Мен кўплаб ўзбекистонликлар билан танишдим, улар билан ҳамкорлик қилаяпман. Бу фотокитоб менинг ўн йиллик меҳнатим маҳсули ва Ўзбекистон — Япония маданий алоқаларининг ўзига хос меваси, дейиш мумкин.

Жин Акино 1970 йилда таваллуд топган. Токио университетининг иқтисодиёт факультетини тугатгандан кейин эркин ижодкор сифатида иш бошлаган. International Photography Awards (АҚШ), La Prix de la Photographie de Paris (Франция) ва шунга ўхшаш кўплаб халқаро танловларда совриндор бўлган. Унинг ижоди асосан Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатлар архитектураси ва маданияти билан боғлиқ. Шунингдек, ЮНЕСКО ва Япония миллий информатика университети томонидан Ипак йўлининг маданий меросини рақамли архивлаш учун ўтказилган Digital Silk Road Project лойиҳасида қатнашган. 2007 йилда унинг «Самарқанднинг меъморий гўзаллигига саёҳат» кўргазмаси кўҳна шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишлаб Самарқанд ва Токиода деярли бир вақтда тақдим этилган.

Унинг «Буюк Ипак йўли тарихидаги ранг-баранг шакл ва бўёқлар: Ўзбекистоннинг жавоҳир шаҳарлари ЮНЕСКО Бутунжаҳон меросининг бир қисми сифатида» шахсий фотокўргазмаси Самарқанд давлат музейида (2008) ва Тошкентда бўлиб ўтган еттинчи Халқаро фотобиенналесида (2014) тақдим этилган. Жин Акино Токиодаги ўз шахсий мактабида ёшларга фотосурат сирларидан сабоқ бериб келмоқда.

Тақдимот Регистон ансамбли дирекцияси, «Самарқандиана» энциклопедик лойиҳаси, Самарқанд шаҳар 5-сон маданият марказининг «Эсперанто» интернационал дўстлик тўгараги аъзолари ҳамкорлигида ташкил этилди.

**А. ИВАНОВ,**
**«Самарқандиана» энциклопедик лойиҳаси ташкилотчиси.**




**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**




## Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази»

**3 июля 2019 года в 15:00 в городе Нукусе проводит открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу:**

Автотранспортное средство принадлежащего Государственному кукольному театру Республики Каракалпакстан: - Автобус марки «Мидибус UZOTOYOL 24.9», 2002 года выпуска, гос номер 95/213JAA. Начальная цена 6 808 480 сумов.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18:00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается 3 июля 2019 года в 18:00. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с №20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк. Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г. Нукус ул. Амира Темура, дом №122а. Телефон для справок: (61) 222-55-84.

**Услуги лицензированы**

## ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА«

**ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:**



- **Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.**
- **Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.**
- **Ямобуры.**
- **Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.**
- **Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.**

**ГАРАНТИЯ 1 ГОД**

**Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz**

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV, Ulug'bek VAFOYEV, Mahmud TOIR, Qalandar ABDURAHMONOV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Shuhrat JALILOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), To'lqin TO'RAXONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxona** — (71) 233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — (71) 233-12-56
**Reklama va e'lonlar uchun** — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 651. 4391 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23:45.
Topshirilgan vaqti — 01:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi-dasturchi: **Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 4 5 6